



# Тавҳидни муҳофаза қилиш силсиласи

Ўзбек

أوزبکي

حراسة التوحيد



Имом, Аллома  
Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз  
раҳимаҳуллоҳ

ج) جمعية خدمة المحتوى الإسلامي باللغات ، ١٤٤٦ هـ

بن باز ، عبدالعزيز  
حراسة التوحيد - الاوزيكيه . / عبدالعزيز بن باز - ط١ . - الرياض  
، ١٤٤٦ هـ ،

٢٤ ص : ..سم

رقم الإيداع: ١٤٤٦/١٤٩٥٨  
ردمك: ٩٧٨-٦٠٣-٨٥٢٤-١٢-١

١٤٤٦ شعبان ٦

05/02/2025

سلسلة حراسة التوحيد

Тавхидни муҳофаза  
қилиш силсиласи

Имом Аллома  
Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз  
раҳимахуллоҳ

**Аллоҳдан ўзгадан ёрдам  
сўраган ёки коҳинлар ва  
фолбинларга ишонганларнинг  
ҳукмига оид далиллар**

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

## Муқаддима

Аллоҳ таолога ҳамдлар, Расулуллоҳга ҳамда Узотнинг аҳли оиласари, асҳоблари ва уларга эргашганларга салавоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд: Тавҳид (Аллоҳ таолони яккалаш) ақийдаси бошқа пайғамбарларнинг даъватлари сингари Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг (Узишига Аллоҳнинг энг афзал салавоти ва тамомий саломи бўлсин) ҳам даватларининг асосидир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қиласди:

(وَلَقَدْ بَعْثَنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنْ أَعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنَبُوا الطَّاغُوتَ)

«Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб пайғамбар юборганимиз». [Наҳл: 36]

Бидъат ва ботилнинг барча шаклларига қарши курашиш бу даъватнинг асосларидан бўлгани боис, ҳар бир мусулмон киши ўз динини синчиклаб ўрганиши ҳамда шариати исломияда келгандек Аллоҳга ибодат қилиши керак.

Дарҳақиқат, бу умматнинг салафи (аввалгилари) дин ишларида тӯғри йўлда эдилар. Чунки уларнинг барча амаллари Қуръони Карим ва Суннати Набавияга мувофиқ равишда бажарилар эди.

Сўнгра мусулмонлар ақида ва амалларида бу тӯғри манҳаждан оғиб кетган маҳал, ақида, мазҳаб, сиёсат ва аҳкомларда ҳар хил гуруҳ ва тўдалар пайдо бўла бошлади. Бу оғиши натижасида бидъатлар, ботиллар ва бўлар-бўлмас нарсалар пайдо бўлди. Бу эса Ислом ва унинг аҳлига зарба бериш учун дин душманларига йўл очиб берди.

Қадимда ва ҳозирда Ислом уламолари ўз китобларида бу бидъатлардан огоҳлантирганлар.

Қуйидаги уч рисолани жамлаш билан мен ҳам бу борада ўз ҳиссамни қўшдим.

Биринчи: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мадад сўрашнинг ҳукми.

Иккинчи: Жин ва шайтонлардан мадад сўраш ва улар учун назр қилишнинг ҳукми.

Учинчи: Бидъат ва ширк аралашган зикрлар билан ибодат қилишнинг ҳукми.

Ҳурматли китобхон! Бу муборак диёрларда Ислом даъватининг байроғини кўтаргган «Илмий баҳслар ва фатво бўлимининг бош

раислиги» Исломни тўғри фаҳмлаш, бидъат ва хурофотларга қарши қурашиш ҳамда маданий малакани ошириш илинжида сизга бу уч рисолани тақдим этади.

Олий ва Қодир Аллоҳдан бу китобни бандаларига фойдали қилишини сўраймиз. Аллоҳнинг ўзи тавфиқ волийси.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ҳамда аҳли оиласари ва асҳобларига салавоту саломлар бўлсин.

## **Биринчи рисола: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мадад сўрашнинг ҳукми**

Аллоҳ таолога ҳамдлар, Расулуллоҳ ҳамда аҳли оиласлари, асҳоблари ва тӯғри йўлини йўл тутгандарга салавот ва саломлар бўлсин.

Аммо баъд: «Кувайт жамияти» газетасининг 19/04/1390 ҳижрий йилининг 15-сонида «Набий алайҳиссалом мавлидларини эслаб» деган ном остида ўзини Омина деб номлаган аёлнинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ёрдам сўраш, умматларини сақлаб қолиш учун ёрдам, ихтилоф ва бўлинишдан умматни халос қилиш каби маъноларни ўз ичига олган шеър эълон қилинди. Қуида шеърнинг маъноси:

Ё Расулуллоҳ, уруш ва ғазаб билан ёнаётган оламга етишинг!

Ё Расулуллоҳ, шак зулматларида узоқ юрган умматга етишинг!

Ё Расулуллоҳ, дард чўлларида ваҳийни зое қилган умматга етишинг!

Шеърида давом этиб ушбу мисраларга етиб келди:

Бадр куни Илоҳга нидо қилиб ғалабани тезлаштирганингиз каби тезлаштиринг.

Хўрлик гўзал ғалабага айланди. Албатта Аллоҳнинг қўринмайдиган қўшиналари бор.

Аллоҳу акбар! Бу ёзувчи қиз ёрдам фақат Аллоҳдан эканини унтиб ёки билмасдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нусратни тезлаштиришларини сўраб нидо қилмоқда. Нусрат Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёки бошқа бирорта банданинг қўлида эмас. Аллоҳ таоло Ўз китобида шундай марҳамат қиласди:

(وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ)

«Аслида, нусрат Азиз ва Ҳаким Аллоҳнинг хузуридандир». [Оли Имрон: 126]

Яна Аллоҳ азза ва жалла айтади:  
﴿إِنْ يَئْسُرُكُمُ اللَّهُ فَلَا غَالِبٌ لَكُمْ وَإِنْ يَخْذُلُكُمْ فَمَنْ ذَا الَّذِي يَئْسُرُكُمْ مِنْ بَعْدِهِ﴾

«Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ. Агар сизни ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам ёрдам берар эди». [Оли Имрон: 160]

Қуръон, суннат ва ижмо билан маълум бўлганки, Аллоҳ таоло бандаларни ўзига ибодат қилишлари учун яратган. Ушбу ибодатни баёнлаш ва унга даъват учун пайғамбарлар юборди ҳамда китоблар нозил қилди. Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَنَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ)

«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим». [Зориёт: 56]

(وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنْ أَعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنَبُوا الطَّاغُوتَ)

«Батахқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганмиз». [Наҳұл: 36]

(وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونَ)

«Сендан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз» [Анбиё: 25]

Яна Аллоҳ азза ва жалла айтади:  
«الرَّكَابُ أَحْكَمَتْ آيَاتُهُ ثُمَّ فُصِّلَتْ مِنْ لُدْنِ حَكِيمٍ خَبِيرٍ { إِلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا اللَّهُ إِنَّى لَكُمْ مَنْهُ نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ }

«Алиф. Лом. Ро. (Ушбу) китоб оятлари маҳкам қилинган, сўнгра ҳикматли ва хабардор Зот томонидан муфассал (баён) қилингандир. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаслигинги учундир. Албатта, мен сизларга Ундан келган огоҳлантирувчи ва хушхабарчиман». [Худ: 1,2]

Ушбу муҳкам оятларда Аллоҳ таоло инсонлар ва жинларни ёлғиз, шериги бўлмаган Аллоҳ таолога ибодат қилиши учун яратгани ҳамда пайғамбарларни Аллоҳ таолонинг ибодатига буюришлари ва унинг зидди ширкдан қайтаришлари учун юборганини баёнлади. Аллоҳ таоло ўзидан бошқага ибодат

қилинмаслиги учун Қуръони Каримнинг оятларини батафсил ва муҳкам қилди.

Ибодат - буйруқларини бажариш, қайтарганларидан қайтиш орқали У Зотни яккалаш ва Унга итоат қилишдир. Аллоҳ таоло кўплаган оятларда шу нарсага буюрди. Жумладан:

(وَمَا أَمْرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءُ)

«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка буюрилган эдилар...». [Баййина: 5]

(وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيمَانَ)

«Раббингиз фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди». [Исро: 23]

(إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ فَاعْبُدُ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ)

«Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила нозил қилдик. Бас, сен Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат қил!». [Зумар: 2]

Бундай мазмундаги оятлар кўп бўлиб, уларнинг барчаси ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш ва Ундан ўзгага ҳатто пайғамбар бўлса ҳам ибодат қилмасликка буюради.

Дуо энг муҳим ва жомеъ ибодатлардан эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун Аллоҳ таоло буюргани каби ўзига ихлос

қилиб ибодат қилиш керак. У Зот марҳамат қиласи:

(فَادْعُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَاوْ كَرَهُ الْكَافِرُونَ)

«Бас, гарчи кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳга динни холис қилган ҳолингизда ёлвориб дуо қилинг!». [Фоғир: 14]

Яна Аллоҳ азза ва жалла айтади:

(وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا)

«Ва албатта, масжидлар Аллоҳникидир! Бас, Аллоҳдан бошқа бирортага дуо қилманг!». [Жин: 18]

Бу оятлар барча махлуқотларни ўз ичига олади. Чунки оядаги «бирорта» сўзи қайтариқ ўрнидаги накира бўлиб келмоқда. Шунинг учун Аллоҳдан ўзга барчани ўз ичига олади. Яна Аллоҳ таоло айтдики:

(وَلَا تَنْدُغْ مِنْ دُونَ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ)

«Аллоҳдан ўзга-сенга манфаат ҳам, зарар ҳам бермайдиган нарсага илтижо қилма!». [Юнус: 106]

Бу оядада Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилинаётгани билан У зот ширқдан пок эканликлари барчага маълум. Аслида эса ояддан мурод бошқаларни огоҳлантириш. Шунинг учун оят давомида Аллоҳ таоло:

(فَإِنْ فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذَا مِنَ الظَّالِمِينَ)

«Бас, агар шундай қилсанг, унда сен золимлардан бўласан», деб айтди. [Юнус: 106]

Агар одам боласининг саййиди бўлмиш алайҳиссалоту вассалом Аллоҳдан бошқага дуо қилсалар золимлардан бўлишиклари айтилса, бошқаларни аҳволи қандай бўлар экан? Агар зулм мутлоқ шаклда зикр қилинса, бундан мурод катта ширкдир. Аллоҳ таоло айтганки:

﴿وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Ва кофирлар-ўшалар, золимлардир».<sup>1</sup>

Яна айтганки:

﴿إِنَّ الشَّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ﴾

«Албатта, ширк катта зулмдир». [Луқмон 13]

Бу оятлар орқали ўликлар, дараҳтлар, санамлар ва шу кабиларга сифиниш Аллоҳ таолога ширк экани бизга маълум бўлади. Ширк эса, Аллоҳ таоло инсонлар ва жинларнинг яратилишидан мақсад бўлган ибодатга ҳамда ибодатни баён қилиш учун нозил қилинган китобларга ва пайғамбарларнинг даъватига тескаридир. Лаа илаҳа иллаллоҳнинг ҳам маъноси шу, яъни, Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор бўлган зот йўқ демакдир. Бу калима Аллоҳдан бошқага қилинган ибодатни рад

---

<sup>1</sup> [Бақара: 254]

қилиб, фақат Аллоҳга бўлган ибодатни тасдиқловчи калимадир. Аллоҳ таоло айтадики:

(ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ هُوَ الْبَطِلُ وَأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ)

«Чунки Аллоҳнинг Ўзигина ҳақдир, Ундан бошқа топинаётганлари эса, ботилдир. Албатта, Аллоҳ юксак ва буюкдир». [Ҳаж: 62]

Мана шу нарса диннинг асли, миллатнинг асосидир. Манашу асл тузалмагунча ибодатлар тўғри бўлмайди. Аллоҳ таоло айтгани каби:  
(وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ أَنَّ إِنَّ أَشْرَكَتُمْ لَيْحَبَطَنَ عَمَلُكُ وَلَنَتُكُونَنَّ  
مِنَ الْخَاسِرِينَ)

«Батаҳқиқ, сенга ва сендан олдин ўтганларга ҳам: «Агар ширк келтирсанг, албатта, амалинг бехуда кетур ва, албатта, зиёнкорлардан бўлурсан». [Зумар: 65]

Яна Аллоҳ таоло айтадики:

(وَلُوْ أَشْرَكُوا لَحِيطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ)

«Агар улар ширк келтирсалар, қилган ишлари, албатта, бехуда кетадир». [Анъом: 88]

Ислом дини икки улуғ асл устига қурилган:

Биринчиси: Ёлгиз Аллоҳгагина ибодат қилиш.

Иккинчиси: У Зотга фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларига мувофиқ тарзда ибодат қилиш.

Мана шу «Лаа илааха иллаллоҳ» калимасининг маъносидир. Кимки пайғамбарга, ўликларга, санамларга, дарахтларга, тошлар ёки шу каби маҳлуқотларга дуо қилса, ундан паноҳ сўраса, сўйлиқ сўйиш ва назрлар билан яқинлашса уларни (ибодат қилган нарсаларини) Аллоҳни қўйиб ўзига Рабб тутиб олган ва Аллоҳга тенгхур қилган бўлиб ҳисобланади. Бу эса юқоридаги аслни бузади ва «Лаа илааха иллаллоҳ» калимасига тескари келади. Шунингдек, Аллоҳ таоло изн бермаган ўринда, динда бидъат чиқарса, Мұҳаммад Аллоҳнинг элчиси деган шаҳодатга тескари чиққан бўлади. Аллоҳ азза ва жалла айтганки:

﴿وَقَمْنَا إِلَىٰ مَا عَمِلُوا مِنْ عَمَلٍ فَجَعَلْنَاهُ هَبَاءً مَّنْثُرًا﴾

«Ва қилган амалига келиб, уларни тўзон каби сочиб юборумиз». [Фурқон: 23]

Бу оятдаги зикр қилинган амаллар Аллоҳга ширк қилиб (тавба қилмай) вофот этганларнинг амали.

Бидъатчиларнинг амаллари ҳам шу ҳолда бўлади. Уларнинг амаллари пок шариатимизга мувофиқ келмагани учун Қиёмат куни сочиб юборилур. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган (янги) нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир», дедилар. Муттафақун алайҳи

Бу ёзувчи қиз дуо қилиш ва паноҳ сўрашни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга йўллади ва нусрат, наф ҳамда зарар Унинг қўлида бўлган оламларнинг Раббидан юз ўгирди. Гарчи бошқаларнинг қўлида буларнинг бирортаси бўлмаса ҳам.

Бу катта ва қўрқинчли зулм эканида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Ахир Аллоҳ таоло ўзигагина дуо қилишга буюрди ва ким дуо қилса ижобат этишга ҳамда ким дуо қилишдан кибр қилса жаҳаннамга олиб киришни ваъда қилди. Аллоҳ таоло айтадики:

(وَقَالَ رَبُّكُمْ اذْعُنِي أَسْتَحْبُ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي  
سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ)

«Раббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида киурлар», деди». [Фоғир: 60]

Бу ояти карима дуонинг ибодат экани ҳамда ким ундан юз ўгирса, борар жойи дўзах эканига далолат қилади. Аллоҳ таолога дуо қилишдан кибр қилган инсоннинг аҳволи шу бўлса, бошқага дуо қилган ёки ундан юз ўгирган инсоннинг аҳволи қандай бўлар экан? Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло яқиндир. У борлиқнинг эгаси ва барча нарсага қодир Зотдир. Аллоҳ таоло айтади:

(وَإِذَا سَأَلَكُ عَنِ الدِّيَارِ قُرْبَةً أَجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا  
لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ)

«Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда ижобат қиласман. Бас, Менга ижобат қилсинлар ва иймон келтирсинглар. Шоядки түғри йўлни топсалар». [Бақара: 186]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг саҳиҳ ҳадисларида дуо ибодат эканини хабар қилдилар. Амакиларининг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анхумога: «Аллоҳнинг ҳақларини муҳофаза қилгин, У Зот сени сақлайди. Аллоҳнинг ҳақларини сақла, Уни қаршингда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Агар кўмак тиласанг, Аллоҳдан тила», – деганлар. Имом Тирмизий ва бошқалар ривояти.

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳдан бошқага дуо қилиб вафот этса, дўзахга киради», – деганлар. Имом Бухорий ривояти.

Саҳиҳайнда келишича: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси гуноҳ улуғроқ?» деб сўралганларида: «Аллоҳ сени яратганига қарамай унга тенгхўр (ширк) қилишинг», – деб жавоб бердилар.

Араб тилидаги "Нидд" сўзи, тенгхўр, ўхшаш деган маънени англатади. Аллоҳдан бошқага дуо қилган, паноҳ сўраган, назр қилган, сўйлиқ сўйган ёки шу каби бошқа ибодатларни қилган ҳар бир киши Аллоҳга бошқа нарсани тенглаштирган бўлади. Гарчи у (дуо қилган нарсаси) пайғамбар, валий, фаришта, жин, санам ёки шу каби бошқа маҳлукотлар бўлса ҳам.

Аммо, ёнидаги тирик инсондан у қодир бўлган ҳиссий нарсани сўраш ёки ёрдам талаб қилиш ширк амалларидан эмас. Аксинча, мусулмонлар орасидаги жоиз бўлган оддий ишлардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом қиссасида айтгани каби:

﴿فَاسْتَغْوَاهُ اللَّهُيْ مِنْ شَيْعَتِهِ عَلَى الَّذِي مِنْ عَذُوبِهِ﴾

«Бас, ўз гуруҳидан бўлган душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради». [Қасос: 15]

Яна Мусо алайҳиссалом қиссасида айтадики:

﴿فَخَرَجَ مِنْهَا خَائِفًا يَتَرَقَّبُ﴾

«Бас, хавфсираб, аланглаган ҳолда у ердан чиқди». [Қасос: 21]

Худди инсон шерикларидан жангда ёки бошқа хаётнинг қийинчиликларида ёрдам сўрагани каби, юқорида зикр қилинган ёрдамни сўраш жоиз. Инсонлар ҳаётда бир бирларига муҳтождирлар.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам манфаат ҳам, заар ҳам бера олмасликлари ҳақида умматларига хабар беришга буюрилдилар:

(فَلَنِ إِنَّمَا أَدْعُو رَبِّي وَلَا أُشْرِكُ بِهِ أَحَدًا 21 فَلَنِ إِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا رَشْدًا)

«Сиз: «Албатта, мен фақат ўз Раббимга ибодат қиласман ва Унга ҳеч кимни ширк келтирмасман», деб айтинг. Сиз: «Албатта, мен сизлар учун заарга ҳам, манфаатга ҳам молик эмасман»-деб айтинг». [Жин: 21,22]

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида айтади:

(فَلَنِ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبَ لَا سَنَكْرَرُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَنَّيَ السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ)

«Сиз: «Ўзим учун на фойда ва на заарга молик эмасман. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади. Агар ғайбни билганимда яхшиликни кўпайтириб олган бўлар эдим ва менга ёмонлик етмасди. Мен фақат иймон келтирадиган қавмлар учун огоҳлантирувчи ва башорат берувчиман, холос», деб айтинг». [Аъроф: 188]

Зикр қилсак бу маънодаги оятлар талайгина.

Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўзлари Раббилиаридан бошқа ҳеч кимга дуо қилмайдилар. Бадр куни ҳам Аллоҳ таолодан паноҳ ва душманларига қарши нусрат сўраганлар. «Ё Раббим! Менга берган ваъдангни

амалга ошир», деб ёлворганлар. Абу Бакр Сиддиқ разияллоху анху: «Ё Расулуллоҳ! Етарли. Аллоҳ сизга берган ваъдасини амалга оширади», – дедилар. Шунда Аллоҳ таоло ушбу сўзини нозил қилди:

(إِذْ شَتَّغُلُونَ رَبُّكُمْ فَاسْتَجَابَ لَكُمْ أَنَّى مُمْدُّكُمْ بِالْفِ مِنَ الْمَلَائِكَةِ مُرْدِفِينَ)

«Ўшанда Раббингиздан мадад сўраганингизда, сизни (сўровингизни) ижобат қилиб: «Албатта, мен сизларга кетма-кет келадиган мингта фаришта ила мадад берувчиман», деди». [Анфол: 9]

Бу оятларда Аллоҳ таоло мўъминларнинг Раббилиаридан ёрдам сўраганларидан сўнг дуоларини ижобат қилган ҳолда уларга фаришталар билан мадад бергани ҳақида хабар берди. Сўнгра ғалаба фаришталар томонидан эмас, аксинча, Аллоҳ таоло томонидан бўлганини ҳамда фаришталарни хушхабар ва тинчлантириш учун юборганини баён қилиб берди. Аллоҳ таоло шундай дейди:

(وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ)

«Ғалаба эса, фақат Аллоҳнинг хузуридандир». [Анфол: 10]

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида айтади:  
(وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ بِبَدْرٍ وَأَنْثَمْ أَذْلَلَةً فَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ) [آل عمرан: 123]

«Батаҳқиқ, Бадрда оз бўлсангизлар ҳам, Аллоҳ сизларга нусрат берди. Бас, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки шукр қилсангиз». [Оли Имрон: 123]

Аллоҳ таоло бу оятда Бадр куни ғалаба берган Зот йўзи экани ҳақида айтмоқда. Бу билан бизга маълум бўладики, Аллоҳ таоло уларга берган қувват, қуроллар ва фаришталар билан мадад, буларнинг барчаси хотиржам бўлишлари учун ғалаба сабаблари холос. Ғалаба олиб келувчи ёлғиз Аллоҳнинг ўзири. Бу ёзувчи қиз ёки бошқаси қандай қилиб мадад ёки ғалабани Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраши ва оламларнинг Рабби, борлиқнинг подшоҳи ва барча нарсага қодир Зотдан юз ўгириши мумкин?

Бу энг қабиҳ жаҳолат, балки энг катта ширк эканида шак-шубҳа йўқ. Бу ёзувчи қиз Аллоҳ таолога холис тавба қилиши лозим.

Тавба – қилган ишига надомат қилиши, у ишини тарқ қилиши ҳамда унга қайтмасликка азм қилиш билан бўлади. Аллоҳни улуғлаб, ихлос қилиб, буйруғини бажариб қайтарганидан қайтган ҳолда тавба қилинади. Мана шу холис тавбадир. Агар қилган гуноҳида бандаларнинг ҳаққи бўлса тавбага тўртинчи иш

қўшилади. У, ҳақ эгасига ҳаққини қайтариш ёки рози қилиш.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бандаларини тавбага буюрди ва тавбаларни қабул қилишга ваъда берди. Аллоҳ таоло айтади:

(وَثُبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهُ الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ)

«Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар».[Нур: 31]

Аллоҳ таоло насронийлар ҳақида шундай деди:

(أَفَلَا يَتُوبُونَ إِلَى اللَّهِ وَيَسْتَغْفِرُونَهُ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ)

«Аллоҳга тавба қилиб, Унга истиғфор айтмайдиларми?! Зотан, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир». [Моида: 74]

(وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَّا أَخْرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَرْثُونَ وَمَنْ يَفْعُلْ ذَلِكَ يُلْقَ أَثَاماً) {يُضَاعِفُ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَيَخْلُدُ فِيهِ مُهَاجِمًا} {إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلاً صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا}

«Улар Аллоҳ билан бирга илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат куни унинг азоби бир неча баробар қўпайтирилур ва у(азоб) да хор бўлиб абадий қолур. Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг

ёмонликларини яхшиликларга алмаштиур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли бўлган Зотдир». [Фурқон: 68-70]

(وَهُوَ الَّذِي يَقْبِلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادَهِ وَيَعْفُ عَنِ السَّيِّئَاتِ وَيَعْلَمُ مَا تَفْعَلُونَ)

«Унинг йози бандаларидан тавбани қабул қилур, гуноҳларини афв этур ва нима қилаётганингизни билур». [Шуро: 25]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу ҳадис событ бўлган: «Ислом ўзидан олдинги гуноҳларни қулатади ва тавба ўзидан олдинги гуноҳларни ўчиради».

Ширкнинг хатари катталиги, у гуноҳларнинг энг каттаси экани, бу ёзувчи қиз ёзган нарсасидан ғуурурланмаслиги ҳамда Аллоҳ ва бандаларига насиҳат вожиб бўлгани учун бу қисқача рисолани ёздим. Аллоҳ таоло бу рисолани манфаатли қилишини, аҳволларимизни ва барча мусулмонларнинг аҳволини ислоҳ қилишини, барчамизга динда фиқҳ беришини ва унда событқадам қилишини сўрайман. Бизга ва мусулмонларга нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амаллардан паноҳ беришини сўрайман, Албатта У бунга Валий ва Қодир Зотдир.

Расулимиз ва набийимиз  
Уларнинг аҳли-аёллари ва Мухаммадга,  
салавоту саломлар бўлсин. асҳобларига

## **Иккинчи рисола**

### **Жин ва шайтонлардан мадад сўраш ва уларга атаб назр қилиш**

Абдулазиз ибн Боздан уни кўриб турган барча мусулмонларга. Аллоҳ мени ва сизларни ўз динини маҳкам тутувчилардан ва собит турувчилардан қилсин! Омин!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Аммо баъд: Баъзи биродарларимиз мендан баъзи жоҳилларнинг Аллоҳдан бошқага дуо қилиш, муҳим ишларида ёрдам сўраш, жинлардан мадад сўраш, уларга атаб жонлиқ сўйиш ва назр қилиш каби ишлари ҳақида сўрадилар. Баъзиларнинг: «Эй, еттита! Буни олинглар! (яъни жинларнинг бошчиларидан еттитаси) Эй еттита! Фалончини бундай қилинглар, суякларини синдиринглар, қонини ичинглар, мусла қилинглар!» деган сўzlари каби. Яна баъзиларининг: «Эй тушлик вақтининг жини! Эй аср вақтининг жини! Буни ол!» деган сўzlари каби. Бу нарсалар кўпинча жанубнинг баъзи томонларида мавжуд. Анбиёлар ёки солиҳлар каби ўликларга, фаришталарга дуо қилиш, улардан мадад сўраш ҳам шу бобга киради. Буларнинг барчаси ва

шунга ўхшаш ишлар ўзини Исломга нисбат берадиганлардан билмасдан ёки ўзидан олдингиларга тақлид қилган ҳолда содир бўлади. Баъзилари бу ишга енгил қараб: «Бу тилда айланадиган нарса халос, унга суюнмаймиз ҳам, уни қасд қилмаймиз ҳам» деб айтадилар.

Яна мендан бу ишлар билан танилган одам билан никоҳ қилиш, сўйган жонлигини ейиш, унга жаназа ўқиш, орқасидан намоз ўқиш, фолбин ва шу кабиларни тасдиқлаш, касални танасига тегиб турган салла, сирвол, қарс кабиларни ушлаб кўриб қандай касаллиги борлигини аниқлаб беришни даъво қиласиганлар ҳақида сўрадилар.

Жавоб: Ёлғиз Аллоҳга ҳамлар, ўзидан кейин пайғамбар бўлмаган зотга ва У зотнинг аҳллари, асҳоблари ва Киёмат кунига қадар яхшилик билан эргашганларга салавот ва саломлар бўлсин.

Аммо баъд: Аллоҳ таоло инсонлар ва жинларни якка Унинг Ўзига ибодат қилишлари, Унгагина дуо қилишлари, Ундангина паноҳ сўрашлари, сўйлиқ ва назрларини фақат У Зот учун аташлари учун яратди. Пайғамбарларни ҳам шу мақсадда юборди ва тавҳидга буюрди. Самовий китоблар ва улардан бўлмиш Куръони

Каримни ибодатни баёнлаш, унга даъват қилиш, инсонларни Аллоҳга ширк ҳамда Ундан бошқага ибодат қилишдан огоҳлантириш учун нозил қилди. Манашу аслларнинг асли, миллатнинг ва диннинг асоси ҳамда «Лаа илааҳа иллаллоҳ»нинг маъносидир. Чунки бу калиманинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ», демакдир. Бу калима илоҳликни, яъни, ибодатни бошқа махлуқотларга аташни рад этиб фақатгина Аллоҳга исбот қиласиди. Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида бунга далиллар жуда кўп. Улардан: Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ)

«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим». [Зориёт: 56]

(وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَاهُ)

«Раббингиз фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди». [ИсроП: 23]

(وَمَا أَمْرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهُ مُحْلِّصِينَ لَهُ الدِّينَ حُكْمَاءٌ)

«Холбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка буюрилган эдилар...». [Баййина: 5]

(وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي  
سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَآخِرِينَ)

«Раббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида киурлар», деди». [Фофир: 60]

(وَإِذَا سَأَلَكَ عَبْدًا عَنِي فَإِنَّى قَرِيبٌ أَجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ)

«Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда ижобат қиласман». [Бақара: 186]

Аллоҳ таоло бу оятларда инсонлар ва жинларни фақат Ўзигагина ибодат қилишлари учун яратгани ва фақатгина Ўзига ибодат қилишга буюрганини баён қилди.

Араб тилидаги (قضى) деган сўз буюрди, васият қилди деган маъноларни англатади. Аллоҳ таоло бандаларини Қуръоннинг муҳкам оятларида ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилица Раббиларигагина ибодат қилишга буюрди. Аллоҳ таоло дуо улуғ ибодат экани ва ким дуо қилишдан кибр қилса дўзахга киришини баён қилди. Бандаларини фақатгина Унинг Ўзига ибодат қилишга буюрди. Аллоҳ таоло бандаларига яқин, уларнинг қилган дуоларини ижобат қилиши ҳақида хабар берди. Шунинг учун, барча бандалар Раббиларига холис дуо қилишлари вожибdir. Чунки дуо, бандалар унинг учун яратилган ва буюрилган ибодатлардандир. Аллоҳ таоло айтади:

(فَلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ 162 لَا شَرِيكَ لَهُ وَبِذِلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ)

«Сиз: «Албатта, менинг намозим, ибодатларим, ҳаёт ва мамотим оламларнинг Рабби Аллоҳ учундир. Унинг шеъриги йўқ. Ана шунга буюрилганман. Ва мен энг аввалги мусулмонларданман», – деб айтинг». [Анъом 162-163]

Аллоҳ таоло пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламни намозлари, сўйлиқлари , ҳаёт ва мамотлари шеъриги йўқ, ёлғиз бўлган оламларнинг Рабби Аллоҳ учун эканини хабар беришга буюрди. Ким Аллоҳдан бошқага қурбонлик атаса, дарҳақиқат, Аллоҳга ширк қилибди. Аллоҳдан бошқага атаб намоз ўқиган киши ҳам шу хукмда. Чунки Аллоҳ таоло намоз ва қурбонликни бир-бирига боғлади ва улар фақат Аллоҳ таолога сарфланиши кераклигини хабар қилди. Ким Аллоҳдан бошқа жин, фаришта, ўликлар кабиларга жонлиқ сўйиб яқинлашса, Аллоҳдан бошқага намоз ўқигандай бўлади. Саҳиҳ ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳдан бошқага сўйлиқ сўйганларни Аллоҳ лаънатлади», – деганлар.

Имом Аҳмад ҳасан санад билан Ториқ ибн Шиҳаб разияллоҳу анхудан ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Икки

киши бир қавм олдидан ўтди. Уларни бир санами бўлиб, бирор кимса унга атаб бирор нарса қурбонлик қилмагунча ўтиб кетиши мумкин эмас эди. Шунда улардан бирига: «Қурбонлик қил», - деб айтдилар. У эса: «Қурбонлик қиладиган бирор нарсам йўқ», - деди. Унга: «Битта пашша бўлса ҳам қурбонлик қил», деб айтишганди, дарҳол пашшани қурбонлик қилди. Шунда у кишига йўлни очиб бердилар. Натижада дўзахга кирди. Бошқасига ҳам: «Қурбонлик қил», - дедилар. У эса: Аллоҳ азза ва жалладан ўзгага атаб бирор нарса қурбонлик қилмайман», -деди. Шунда бошини танасидан жудо қилдилар. Натижада жаннатга кирди», - дедилар».

Пашшани санамга қурбонлик қилгани учун мушрик ва дўзахга киришга лойиқ бўлаётган бўлса, жинлар, фаришталар ва авлиёларга дуо қилиб мадад сўраётганлар, уларга назр қилаётганлар ҳамда қурбонлик сўяётганларнинг аҳволи қандай бўлади?! Улар бу ишлари орқали молларининг сақланиши, касалларининг шифо топиши, экинлари ва ҳайвонлари саломат бўлишини умид қилиб ёки жинлар ёмонлигидан ва шунга ўхшаш нарсалардан қўрққанларидан бажарадилар. Бундай кимсалар санамларга пашшани

құрбонлик қылған кишидан күра мушрикроқ деган номга ва дўзахга киришга лойикроқлар.

Бу ҳақида ворид бўлган сўзлардан: Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

(إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ فَأَعْبُدْ اللَّهَ مُخْلِصًا لَّهُ الَّذِينَ 2 أَلَا اللَّهُ الَّذِينَ  
الْخَالِصُونَ وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أُولَئِكَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقْرَبُوْنَا إِلَى اللَّهِ  
رُلْفَى إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فِي مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَذَّابٌ  
كُفَّارٌ } 2

«Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила нозил қилдик. Бас, сен Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат қил. Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир! Ундан ўзга авлиё-дўстлар тутганлар: «Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Албатта, У Зот улар орасида ихтилоф этаётган нарсалар бўйича ҳукм қилур. Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсаларни ҳидоят қилмас». [Зумар: 2,3]

(وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضْرُرُهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هُوَ لَاءُ شَفَاعَاتِنَا عِنْدَ اللَّهِ فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُمْ بِمَا لَا يَعْلَمُ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَمَّا يُشَرِّكُونَ)

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, манфаат ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қилурлар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ хузуридаги шафоатчиларимиздир!» дерлар. Сиз: «Аллоҳга У осмонлару ерда

билмайдиган нарсаларнинг хабарини бермоқчимисизлар?!» деб айтинг. Аллоҳ улар келтираётган ширкдан пок ва юксак Зотдир». [Юнус: 18]

Бу икки оятда Аллоҳ таоло мушриклар махлуқотлардан ўзларига авлиёлар танлаб олганлари ҳақида хабар берди. Аллоҳ билан бирга уларга ҳам дуо, қўрқув, умид, сўйиш ва назр каби ибодатларни бажараб эдилар. Улар авлиёлари ҳақида "Улар Аллоҳга яқинлаштиради ва шафоат қиласи" деб даъво қиласи эдилар. Аллоҳ уларни ёлғонга чиқарди, ботилларини баён қилди ва уларни ёлғончилар, кофирлар ва мушриклар деб атади. Аллоҳ таоло Ўзини уларнинг ширкидан поклади ва айтди:

سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ

«У Зот улар келтираётган ширклардан пок ва олийдир». [Наҳл: 1]

Бу оятлар орқали бизга маълум бўладики, ким фаришта, пайғамбар, жин, дарахт ёки тош ва шу каби нарсалар Аллоҳнинг ҳузурида шафоат қиласи, Унга яқинлаштиради, касалига шифо беради, молини сақлайди ёки сафардаги яқини эсон-омон қайтади деб умид қилиб Аллоҳ билан бирга уларга ҳам дуо қилса, мадад сўраса ёки унга назр ва сўйлиқлар билан яқинлашса,

катта ширк ва қўрқинчли балога йўлиқибди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло айтади:

(إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرِكَ بِهِ وَيَعْفُرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكَ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَى إِثْمًا عَظِيمًا)

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирадир. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир». [Нисо: 48]

Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

(إِنَّمَا مَنْ يُشْرِكُ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ)

«Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қиласидир ва унинг турар жойи дўзах бўладир. Ва золимларга нусрат берувчилар йўқдир». [Моида: 72]

Шафоат Қиёмат куни ширк аҳли учун эмас, аксинча, тавхид ва ихлос аҳли учун бўлади. Ҳудди Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга «Ё Расулуллоҳ! Шафоатингиз билан энг хурсанд бўладиган инсон ким», - дейилганда: «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасини холис қалдан айтган киши», - деганлари каби. Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг ижобат қилинган дуоси бўлган. Барча пайғамбарлар ўша дуосини айтиб қўйишган. Мен эса дуоимни Қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун уни асраб

қўйдим. Умматимдан ким Аллоҳга ҳеч нарсани шеърик қилмаса, иншааллоҳ, ўша дуога ноил бўлади», – деганлар.

Аввалги мушриклар Аллоҳ таоло уларнинг Рабби, яратувчиси, ризқ берувчиси эканига иймон келтирас әдилар. Лекин, йўқоридаги оятда айтилиб ўтилгандай улар анбиё, авлиё, фаришта, дараҳт ва тошлар кабилар Аллоҳнинг ҳузурида бизни шафоат қиласди, Унга яқинлаштиради деб уларга боғланиб қолиши. Аллоҳ таоло ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам уларга узр бермадилар. Аксинча, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда буларни инкор қилди ҳамда бу ишни қилган кимсаларни кофирлар ва мушриклар деб атади. Бу олиҳалар уларни шафоат қиласди ва Аллоҳга яқинлаштиради деган даъволарини ёлғонга чиқаради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса Аллоҳнинг қўйидаги сўзига амалган қилган ҳолда ширкни тарк қилиб, ёлғиз Аллоҳга сиғингунларига қадар улар билан жанг қилдилар:

(وَقَاتَلُوْهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةً وَيَكُونَ الَّذِيْنَ كُلُّهُمْ لِلَّهِ)

«Фитна бўлмаслиги ва дин Аллоҳга бўлиши учун улар билан жанг қилинг!». [Анфол: 39]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва

албатта, Мұҳаммад Аллоҳнинг элчиси», - деб гувоҳлик бериб, намоз ўқиб, закотни бергунларигача уларга қарши урушишга буюрилдим. Агар бу(ишлар)ни қилсалар, қонлари ва молларини мендан сақлабдилар, бундан фақат Исломнинг ҳаққи мустасно. (Уларнинг) ҳисоб(бериш)лари эса Аллоҳгадир (бу амалларни хўжакўрсинга, мунофиқлик билан билан қилсалар ҳам уларга қарши урушмайман, Қиёматда Аллоҳнинг Ўзи ҳисобкитоб қилиб олади)», -дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деб гувоҳлик бергунларигача*», деган сўзларининг маъноси: Бошқа нарсаларни тарк қилиб Аллоҳгагина ибодат қилиш деганидир.

Мушриклар жинлардан қўрқар ва улардан паноҳ сўрар эдилар. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди:

(وَأَنَّهُ كَانَ رِجَالٌ مِنَ الْإِنْسِينَ يَعْوِذُونَ بِرِجَالٍ مِنَ الْجِنِّ فَرَأُدُوهُمْ رَهْقًا)

«Албатта, инсонлардан баъзи кишилар, жинларнинг баъзи кишиларидан паноҳ сўрардилар. Бас, бу(жин)лар у(инс)ларнинг гуноҳ ва хорлигини зиёда қилдилар». [Жин: 6]

Тафсир аҳли:

(فَرَأُدُوهُمْ رَهْقًا)

«Бас, бу(жин)лар у(инс)ларнинг гуноҳ ва хорлигини зиёда қилдилар», деган ояти кариманинг маъноси ҳақида шундай деганлар: Чунки жин агар инсон ундан паноҳ сўраётганини кўрса, каттариб қуввати ошади. Шунда янада кўпроқ ибодат қилиб уларга илтижо қилишлари учун уларни янада қўрқитиб ваҳимага соладилар.

Шунинг учун Аллоҳ таоло улардан паноҳ сўраш ўрнига Ўзи ва калималари билан паноҳ сўрашга буюрди ва бу ҳақида ушбу оятларни нозил қилди:

(وَإِمَّا يَئْرَأَ غَلَّاكَ مِنَ الشَّيْطَانِ نَرُعُ فَاسْتَعِدْ بِاللَّهِ إِنَّهُ سَمِيعٌ عَلَيْمٌ)

«Агар сенга шайтон томонидан санчиш санчилса, Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта, У яхши эшитувчи ва яхши кўрувчи Зотдир». [Аъроф: 200]

Ҳамда ушбу оятларни ҳам нозил қилди:

(فَلَنْ أَغُوْذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ).

«Тонг Раббидан паноҳ сўрайман», – деб айтинг»

(فَلَنْ أَغُوْذُ بِرَبِّ النَّاسِ).

«Одамлар Раббидан паноҳ сўрайман», – деб айтинг».

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлганки: «Ким бир манзилга тушгач, "Аллоҳнинг бенуқсон калималари билан Ўзи

яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман», –деса, то ўша ердан кетгунига қадар унга ҳеч нарса зиён қилмагай».

Нажот талаб қилган ва динини сақлаб ширкнинг каттаю кичигидан саломат қолишга рағбат қилган ҳар бир инсон зикр қилинган оят ва ҳадислар орқали ўликлар, фаришталар ва жинлар каби маҳлуқотларга боғланиб қолиш, уларга дуо қилиш ва паноҳ сўраш каби амаллар жоҳилият пайтидаги мушриклар амалидан ва ширкнинг энг қабиҳ туридан эканини билиб олади. Шунинг учун бу нарсадан огоҳ бўлиши, бошқаларни хам огоҳлантириши ҳамда бу ишни қилаётган кишига инкор қилиши лозим.

Ушбу ширкий амаллар билан танилган инсон тавбасини эълон қилиб, холис Аллоҳга дуо қилмагунча у билан никоҳ, сўйлигини ейиш, жанозасини ўқиши ва орқасида намоз ўқиши мумкин эмас. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлари каби дуо айни ибодатdir, балки ибодатнинг аслидир: У зот: «[Дуо айни ибодатdir](#)», – деганлар. Бошқа бир ривоятда: «[Дуо ибодатнинг аслидир](#)», лафзи билан зикр қилинган.

Аллоҳ таоло айтадики:

(وَلَا تُنْكِحُوا الْمُشْرِكَاتِ حَتَّىٰ يُؤْمِنَنَّ وَلَآمَّةٌ مُؤْمِنَةٌ خَيْرٌ مِنْ مُشْرِكَةٍ وَلَوْ أَعْجَبْتُمُّهُنَّمْ وَلَا تُنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوْا وَلَعَبْدٌ مُؤْمِنٌ خَيْرٌ مِنْ مُشْرِكٍ)

وَلَوْ أَعْجَبْتُمْ أُولَئِكَيْدُونَ إِلَى الدَّارِ وَاللَّهُ يَدْعُونَ إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِ  
وَيُبَيِّنُ آيَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ).

«Мушрика аёлларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг! Шубҳасиз, мўмина чўри мушрикадан, гар у сизга ёқса ҳам, яхшидир. Ва мушриклар иймонга келмагунларича, уларга никоҳлаб берманг. Шубҳасиз, мўмин қул мушрикдан, гар у сизга ёқса ҳам, яхшидир. Анавилар дўзах ўтига чақираплар. Аллоҳ эса, Ўз изни ила жаннатга ва мағфиратга чақирап ҳамда одамларга Ўз оятларини баён қиласидир. Шоядки, эсга олсалар». [Бақара: 221]

Аллоҳ таоло мусулмон эркакларга бут-санам, жин ва фаришталарга ибодат қиласидиган мушрика аёлларга токи холис Аллоҳга ибодат қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирмагунларича уларга уйланишдан қайтарди. Шунингдек, мушрик эркакларлар ҳам токи холис Аллоҳга ибодат қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирмагунларича уларга муслималарни никоҳлаб беришни ман қилди.

Аллоҳ таоло чўри мўмина ҳур мушрикадан, гарчи унинг кўриниши чиройли, сўзи ширин бўлса ҳам яхшироқ эканини хабар берди. Қул мўмин эркак ҳур мушрик эркакдан, гарчи унга

қараган чиройидан, сўзини эшитган фасоҳатидан ва шиҷоатидан ажабланса ҳам мўмин яхшироқ эканини хабар берди. Сўнгра бу солиштирманинг сабабини:

(أُولئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ)

«Анавилар дўзах ўтига чақирадилар», [Бақара: 221] деган сўзи билан баёнлади.

Яъни, Мушрик эркак ва аёллар сўзлари, амаллари, юриш-туришлари ва ахлоқлари билан дўзахга даъват қиласидилар. Мўмин эркак ва аёллар эса ахлоқлари, амаллари ва юриш туришлари билан жаннатга даъват қиласидилар. Булар иккиси қандай қилиб тенг бўлади?

Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида эса шундай деди:

(وَلَا تُحِلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِنْهُمْ مَاتَ أَبَدًا وَلَا تَقْعُمْ عَلَىٰ قَبْرِهِ إِنَّهُمْ كَفُرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَمَاتُوا وَهُمْ فَاسِقُونَ)

«Ва ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига ҳам (жаноза) намоз ўқиманг, қабри устида турманг. Чунки улар Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқ ҳолларида ўлдилар». [Тавба: 84]

Бу ояти каримада Аллоҳ азза ва жалла кофир ва мунофиқлар Аллоҳ ва расулига иймон келтирмагани учун уларга жаноза ўқилмаслиги ҳақида хабар берди. Уларнинг куфри, хиёнати, мусулмонлар билан орасида катта душманлик

борлиги сабабли орқаларида намоз ўқилмайди ва мусулмонларга имом этиб тайинланмайди. Чунки улар намоз ва ибодат аҳлидан эмаслар. Чунки куфр ва ширк билан солиҳ амал қолмайди. Аллоҳ таоло бу нарсадан оғият берсин! Аллоҳ таоло ўлимтикнинг ҳаромлиги ва мушрикларнинг сўйлиғи ҳақида айтади:

(وَلَا تَأْكُلُوا مِمَّا لَمْ يُذْكُرْ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ وَإِنَّ لَفِسْقَ وَإِنَّ الشَّيَاطِينَ لَيُوْحُونَ إِلَى أَوْلَيَائِهِمْ لِيَجَادِلُوكُمْ وَإِنْ أَطَعْنُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونْ)

«Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсаларни еманглар! Албатта, бу иш фисқдир. Албатта, шайтонлар ўз дўстларига сизлар билан тортишишни васваса қиларлар. Агар уларга итоат қилсангизлар, сизлар ҳам мушриклардан бўласизлар». [Анъом: 121]

Аллоҳ азза ва жалла ўлимтик ва мушрикнинг сўйлигини ейишдан қайтарди. Чунки у нажасдир. Унинг сўйлиғи гарчи Аллоҳнинг исмини зикр қилса ҳам ўлимтанинг ҳукмида бўлиб қолаверади. Чунки Аллоҳнинг исмини зикр қилиш ибодат, ширк эса ибодатни йўққа чиқаради. Шунинг учун мушрик Аллоҳга тавба қилмагунча унинг тасмияси ботилдир. Аллоҳ азза ва жалла аҳли китобларнинг таомини қуидаги сўзида ҳалол қилди:

(وَطَعَامُ الَّذِينَ أَوْثَوَا الْكِتَابَ حِلٌّ لَّكُمْ وَطَعَامُكُمْ حِلٌّ لَّهُمْ)

**«Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолdir. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолdir».** [Моида: 5]

Чунки улар осмондан нозил қилинган динга мансуб эканликларини даъво қиласидилар ҳамда ўзларини Мусо ва Ийсо пайғамбарларнинг изидан борувчи деб ҳисоблайдилар. Аммо бу даъволари ёлғон бўлиб, Аллоҳ таоло уларнинг динини Мухаммад соллаллоҳу алаихи ва салламни барча инсониятга Пайғамбар қилиб юбориш орқали бекор қилди. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло Китоб аҳлининг таомини ва уларнинг аёллари билан никоҳланишни ҳалол қилди. Бунинг ортида улкан ҳикмат ва сир бор бўлиб, уламолар томонидан шарҳланган.

Бу ҳолат бутпарамастларга ёки ўликлар, пайғамбарлар ёки валийларга сифиниб куфр келтирувчиларга тегишли эмас. Чунки уларнинг динининг асл ҳақиқати йўқ ва унда ҳеч қандай шубҳа ҳам мавжуд эмас. Балки у динлар асл томиридан ботилдир. Шу сабабли, уларнинг сўйган ҳайвонлари ўлик ҳисобланади ва уни истеъмол қилиш ҳаром.

Энди бир киши бошқага: «Сени жин урсин», «Шайтон учирсин» каби сўзларни сўзлаши сўкиниш ва ҳақоратлаш бобидан бўлиб, бошқа сўкиниш турлари каби ҳаром ҳисобланади. Бу

ширк бобидан эмас, магарам, шу сўзни айтаётган инсон жинлар Аллоҳнинг изнисиз инсонларни бирор нарса қила олади деб эътиқод қилса ширк бобидан бўлади. Жин ва шу каби маҳлуқотлар шундай нарсаларга қодир деб эътиқод қилган киши кофир бўлади. Чунки Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барча нарсанинг молики ва барча нарсага қодир. Унинг ўзи манфаат ва заарар берувчи. Унинг изни, хоҳиши ва ёзиб қўйган тақдиридан бошқа нарса бўлмайди. Аллоҳ таоло йўз пайғамбарини диннинг бу асосини барча одамларга етказишга буюрди:

(فُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبَ  
لَا سُتْكَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِي السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا تَذَرِّرُ وَبَشِّيرُ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ)

«Ўзим учун на фойда ва на заарага молик эмасман. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади. Агар ғайбни билганимда яхшиликни кўпайтириб олган бўлар эдим ва менга ёмонлик етмасди. Мен фақат иймон келтирадиган қавмлар учун огоҳлантирувчи ва башорат берувчиман, холос», деб айтинг!». [Аъроф: 188]

Одамзотнинг саййиди соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари учун на фойда ва на заарага молик бўлмасалар, магар Аллоҳнинг хоҳлагани

бўлса, бошқалар қаердан бир нарсага молик бўлсин?! Бу маънодаги оятлар кўп.

Фолбин, ҳийлакор ва муннажжим каби ғайбга тош отадиган фирибгарлардан ғайб ҳақида сўраш мункар, жоиз бўлмаган ишлардандир. Уларни тасдиқлаш оғирроқ ва мункарроқ. Аксинча, бу куфр шохларидан бири ҳисобланади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким фолбинга келиб бир нарса ҳақида сўраса, қирқ кунлик намози қабул бўймайди», – деганлар.

Имом Муслим саҳиҳида ривоят қилган. Яна ўз саҳиҳида Муовия ибн Ҳакам Суламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам коҳинларга боришдан ва сўрашдан қайтардилар».

Сунан аҳли ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: «Ким коҳинга бориб айтиётган нарсасини тасдиқласа, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлган нарсага кофир бўлибди». Бу маънодаги ҳадислар жуда кўп.

Юқорида зикр қилган Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтариқларидан кейин коҳин, фолбин ҳамда мусулмонларни бу тиббиёт деб алдаётган, ғайбга тош отадиган фирибгарлардан ғайб ҳақида сўрашдан

мусулмон киши эҳтиёт бўлиши керак. Баъзи инсонлар тиббиёт деб атайдиган ғайбий ишлар ҳам шулар жумласидандир. Касалнинг салласини ёки аёлнинг рўмолини ҳидлаб бу фалончи ишни қилган деб ғайбий ишларни айтиб беради. Ҳолбуки, на эркакнинг салласида ва на аёлнинг рўмолида унга далолат қиласидиган бирор нарса йўқ. Бундан мақсад омма халқ уни табиб касал турлари ва сабабларини билади дейишлари учун алдаш, холос. Баъзида бирорга дори берган бўлса, Аллоҳнинг тақдирни билан шифо топаётган пайтига тўғри келиб қолганда бу касалликнинг давоси шу деб ўйлаб қолишади. Баъзида касаллик, табибликни даъво қилаётган инсонга хизмат қиласидиган жинлар сабабли бўлса, ўзлари кўрган ғайбий ишлари ҳақида хабар берган бўлишлари, табиб эса уларнинг сўзларига таянаётган бўлиши мумкин. Сўнгра жину шайтонларни ўзларига хос ибодатлари билан рози қилгач бу касалдан чиқаётганлари ва ҳаёлидаги азият васвасаси кетган бўлиши ҳам мумкин. Бу услугуб жину шайтонлар ва уларни ишлатадиганларда машхур.

Шунинг учун мусулмонларга ундан эҳтиёт бўлиш, тарк қилишга бир-бирларини чақириш, барча ишларида Аллоҳ таолога суяниш ва

таваккул қилиш вожиб бўлади. Шаръий руқия ва касални ҳиссий ва ақлга тўғри келадиган нарсалар билан текшириб мубоҳ дориларни истеъмол қилиш жоиз. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган ҳадисда У зот: «Аллоҳ қандай дард тушурган бўлса, унинг шифосини ҳам нозил қилган. Шифосини билганлар билади, билмаганлар билмайди», – деганлар.

Яна айтганларки: «Ҳар бир дарднинг давоси бор. Агар дори дардга тўғри келса, Аллоҳнинг изни билан тузалади».

Яна айтганларки: «Эй Аллоҳнинг бандалари! Даволанинглар! Ҳаром билан даволанманглар!» Бу маънодаги ҳадислар жуда кўп.

Аллоҳ азза ва жалладан барча мусулмонларнинг аҳволини ислоҳ қилишини, қалблари ва таналарига шифо беришини, ҳидоят устида жамлашини, биз ва уларга адаштирувчи фитналардан ҳамда шайтон ва дўстларига итоат этишдан паноҳ беришини сўраймиз. Албатта, У барча нарсага қодир. Улуғ ва Олий Аллоҳдан ўзгада куч ҳам ҳолатни ўзгартиришга қудрат ҳам йўқ.

Бандаси ва расули Муҳаммадга, аҳлларига ва асҳобларига салавоту саломлар ва баракотлар бўлсин.

## **Учинчи рисола** **Ширкий ва бидъат зикрлар билан ибодат** **қилишнинг ҳукми**

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боздан ҳурматли биродарим (.....) учун. Аллоҳ барча яхшиликларда унга тавфиқ берсин! Омин!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

Аммо баъд: Аллоҳ сизни Ўз ҳидоятида бардавом қилсин! Менга мактубингиз етиб келди. Унда ёзилишича, сизларнинг диёргизда Аллоҳ нозил қилмаган ширкий ёки бидъий зикрларни бажариб бу вирдларни Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анхуга нисбат берадиганлар бор экан. Улар: «Эй Аллоҳнинг эркак бандалари, Аллоҳ ҳаққи билан, Аллоҳ ердами билан ёрдам беринглар! Аллоҳ ёрдами билан ёрдамчи бўлинглар!» каби вирдларни зикр мажлисларида ёки шом намозидан кейин масжидларда ўқиб, бу зикрлар Аллоҳга яқинлаштиради деб айтишар эканлар. Яна баъзилари: "Эй қутблар! Эй саййидлар! Эй мадад эгалари! Бизга жавоб беринглар! Мана! Қулингиз хузурингизда эшигингизга тирмашиб, камчиликларидан қўрқиб турибди. Ё Расулуллоҳ, бизга мадад беринг! Сиздан

бошқа борадиган жойимиз, талабларимизга жавоб берадиган зотимиз йўқ. Сизлар ва шаҳидлар саййиди Ҳамза Аллоҳнинг аҳлисизлар. Сизлардан бошқа бизга мадад бергувчи йўқ. Бизга мадад беринг ё Расулуллоҳ!» дер экан. Яна баъзилари: Аллоҳим қудрат сирларинг очилишига ва раҳмат нурларинг сочилишига сабаб бўлган зотга саловат айт. Шундан сўнг Рабб ҳузуридан ўринбосар, Зотий сирларинг халифасига айланди», деган сўzlари каби.

Қайси бири ширк ва қайси бири бидъат эканига ва бу дуолар билан дуо қилаётган кишилар ортидаги намоз дуруст бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида билишга рағбат қилганингиз бизга маълум бўлди.

Жавоб: Ёлғиз Аллоҳга ҳамдлар, ўзидан кейин пайғамбар бўлмаган зот Набий соллалоҳу алайҳи ва салламга, У кишининг аҳли аёллари ва асҳобларига салавоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд: Аллоҳ таоло бандаларни шериги бўлмаган ёлғиз Ўзига сифинишлари ва Ўзидан ўзгасига ибодат қилмасликлари учун яратди ва уларга пайғамбарларни юборди. Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَا خَلْقُتُ الْجِنََّ وَالْإِنْسََ إِلََّ لِيَعْبُدُونَ)

**«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим». [Зориёт: 56]**

Ибодат – Аллоҳ таолога ва Унинг расулига итоатдир. Ибодат Аллоҳ таолога ва Унинг расулига иймон келтириш, амалда ихлос қилиб Аллоҳни чин кўнгилдан севиш, ўзини тўлиқ ҳокисор тутиб Аллоҳ ва расули буюрганини бажариш ва қайтариғидан қайтиш билан амалга ошади. Аллоҳ таоло айтгани қаби:

﴿وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَاهُ﴾

**«Раббингиз фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди». [Исро: 23]**

Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ۲ الرَّحْمَنُ الرَّجِيمُ ۳ مَالِكُ يَوْمِ الدِّينِ ۴ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَغْفِرُ﴾

**«Барча мақтов, шукрлар оламларнинг Рабби Аллоҳга бўлсин. У Раҳмон ва Раҳим. У қиёмат кунининг подшоҳи, эгаси. Фақат Сенгагина ибодат қиласиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз». [Фотиҳа: 2-5]**

Аллоҳ таоло бу оятлар билан фақат Унинг Ўзи ибодатга лойиқ эканини, Унинг Ўзигагина ибодат қилиниши ва Ўзидангина ёрдам сўралишини баёнлади. Аллоҳ азза ва жалла айтади:

(إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ فَاعْبُدُهُ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ ۚ ۲ أَلَا إِلَهُ الدِّينُ  
الْخَالِصُ)

«Албатта, Биз сизга китобни ҳақ ила нозил қылдик. Бас, сиз Аллоҳга Үнга динни холис қилган ҳолингизда ибодат қилинг!» [Зумар: 2,3]

(فَادْعُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَا كُرَّهُ الْكَافِرُونَ)

«Бас, агар кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳга динни холис қилган ҳолингизда ёлворинг!» [Фоғир: 14]

Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

(وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا)

«Ва албатта, масжидлар Аллоҳникидир. Бас, Аллоҳдан бошқа бирортага дуо қилманг!» [Жин: 18]

Бу маънодаги оятлар талайгина бўлиб, барчаси Аллоҳни ибодатда ёлғизлашга далолат қиласди.

Дуонинг барча турлари ибодатdir! Шунинг учун ҳам уни Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга сарфлаш мумкин эмас. Юқорида зикр қилинган оятлар ва бошқа оятларга назар солсак, ёрдам ва мададни фақат Аллоҳдан сўраш кераклиги маълум бўлади. Аммо оддий ва ҳиссий ишларни ёнидаги тирик, қўлидан келадиган инсондан сўраш юқоридаги мавзуга кирмайди. Чунки бу ибодат эмас, аксинча, Қуръон, суннат ва ижмоъ

билан событ бўлган далилларга биноан: Тирик ва қодир инсондан бошқа инсон ёки ҳайвоннинг ёмонлигини даф қилиш учун ёрдам ва мадад сўраш жоиз. Тирик, қодир, ёнида ёки узоқдаги одам билан ёзишиш ёки шу каби хиссий нарсалар орқали алоқалашиб ундан уй қуриш, машинасини тузатиш ва шу каби ишларда ёрдам сўраши жоиз. Мусо алайҳиссалом қиссасидаги Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзи ҳам шу бобдандир:

﴿فَاسْتَغْاثَ اللَّهُ مِنْ شَيْعَتِهِ عَلَى الَّذِي مِنْ عَدُوِّهِ﴾

«Бас, ўз гуруҳидан бўлган душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради». [Қасос: 15]

Инсон жиҳодда ёки жангда асҳобларидан ёрдам сўраши ҳам шу бобга киради.

Энди ўлик, жин, фаришта, дарахт ва тош кабилардан мадад сўрашга келсак, булар катта ширқдир! Аввалги мушриклар ҳам Уззо ва Лот каби ўз олиҳаларига шундай амалларни қиласр эдилар. Тирик бўлса ҳам уни валий деб эътиқод қилиб, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимнинг қудрати етмайдиган шифо, ҳидоят, жаннатга киргизиш ёки дўзахдан сақлаш каби ишларда улардан ёрдам ва мадад сўраш мумкин эмас.

Зикр қилинган оятлар ва шу маънодаги бошқа оятларнинг барчаси қалблар барча

ишларда Аллоҳга йўлланишига ҳамда У Зотга ихлос қилишига далолат қилади. Чунки бандалар шу мақсад учун яратилганлар ва буюрилганлар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَاعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا﴾

«Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга бирон нарсани шеърик қилманглар!» [Нисо: 36]

Яна Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا أَمْرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ﴾

«Холбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка буюрилган эдилар...». [Баййина: 5]

Муоз разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадислари ҳам шунга далолат қилади: «Аллоҳнинг бандари устидаги ҳаққи Унгагина ибодат қилишлари ва Унга ҳеч кимни шеърик қилмасликлариdir». Муттафақун алайҳ

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳунинг ҳадисидаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари ҳам шунга далолат қилади: «Ким Аллоҳдан бошқага муқобил ўхшашга илтижо қилаётган ҳолида вафо этса, дўзахга киради». Имом Бухорий ривояти

Яна саҳиҳайнда Ибн Аббос разияллоҳу анхұмодан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозни Яманга юбораётіб: «Сиз ахли китоблар олдига кетмоқдасиз. Уларни эңг аввал «Аллоҳдан ўзга ҳақиқий илоҳ йўқ», деган калимага даъват қилинг», – деганлар.

Бошқа лафзда: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлиги ва мени Расулуллоҳ эканимга гувоҳлик беришга даъват қилинг», дейилган.

Бухорий ривоятида эса: «Аллоҳни яккалашга даъват қилинг!», дейилган.

Саҳих Муслимда Ториқ ибн Ашям ал Ашжаъий разияллоҳу анхұдан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳни яккаласа, Аллоҳдан бошқа маъбудларга куфр келтирса, унинг моли ва қони ҳаром бўлади ва ҳисоби Аллоҳ таолога қолади», – деганлар. Бу маънодаги ҳадислар жуда кўп.

Оятларда айтиб ўтилгандай тавҳид – Ислом динининг асли, миллатнинг асоси, ишнинг боши, фарзларнинг эңг муҳими, инсонлар ва жинларнинг яралишидаги ва пайғамбарлар юборилишидаги ҳикматдир. Бунга далолат қиласиган оятларни эслатиб ўтсак, улардан:

(وَمَا حَلْقَثُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَنَ إِلَّا لِيَعْنَدُونَ)

«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим». [Зориёт: 56]

(وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنْ أَعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنَبُوا الطَّاغُوتَ)

«Батахқик, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганмиз». [Наҳж: 36]

(وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا تُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونَ)

«Сиздан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз». [Анбиё: 25]

Яна Аллоҳ таоло Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ ва Шуайб (уларга Аллоҳнинг саломи ва салавоти бўлсин) қавмларига айтган қуйидаги сўзларини зикр қиласди:

(أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ)

«Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ». [Мўъминун: 23]

Юқоридаги икки оятда зикр қилингани каби барча пайғамбарларнинг даъвати шудир. Дарҳақиқат, пайғамбарларнинг душманлари пайғамбарлар Аллоҳни яккалашга ва бошқа олиҳаларни тарқ қилишга буюрганини эътироф этишган. Бунга далил Од қавми

қиссасида улар Худ алайҳиссаломга шундай дейдилар:

(أَجْنَبْنَا لِتَعْبُدَ اللَّهَ وَحْدَةً وَنَذَرَ مَا كَانَ يَعْبُدُ آباؤُنَا)

«Сен бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?!» [Аъроф: 70]

Яна Аллоҳ таоло Набийимиз Мұхаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Қурайшни Аллоҳгагина ибодат қилиш хамда Ундан ўзга фаришта, авлиё, санам ва дараҳт каби илоҳларни тарк қилишга чақирғанларидағи Қурайшнинг сўзларини ҳикоя қилиб берди:

(أَجَعَلَ الْأَلَهَ إِلَهًا وَاحِدًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عُجَابٌ)

«У худоларни битта худо қилдими?! Албатта, бу ажабланарли нарса!» [Сод: 5]

Улар ҳақида яна Аллоҳ таоло Соффот сурасида шундай деган:

{إِنَّهُمْ كَانُوا إِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَسْتَكْبِرُونَ} ﴿ وَيَقُولُونَ أَئِنَا لَتَارِكُو  
الْأَهْمَنَ لِشَاعِرِ مَجْنُونٍ﴾

«Чунки, уларга қачонки «Лаа илааҳа Иллаллоху», дейилса, мутакаббирлик қилар эдилар. Ахир, биз бир жинни шоирни деб ўз худоларимизни тарк қилгувчи бўлайликми?!» – дер эдилар». [Соффот: 35, 36]

Бу маънога далолат қиласидиган ояллар жуда кўп.

Аллоҳ сизу менга динда фиқҳ ҳамда ҳақда бардавом бўлишга тавфиқ берсин! Айтиб ўтилган оят ва ҳадислардан кейин, саволингиздаги дуо ва паноҳ сўраш турларининг барчаси катта ширк экани баён бўлди. Чунки улар Аллоҳдан бошқага ибодат, У Зотдан бошқа ҳеч ким қодир бўлмаган нарсаларни талаб қилишди. Бу эса аввалгиларнинг ширкидан қабиҳроқдир. Чунки аввалгилар фақат фаровонлик пайтида ширк қилганлар. Қийинчилик пайтида эса, Аллоҳга ихлос билан ибодат қилганлар. Чунки улар Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бу шиддатдан уларни халос қиласлигини билар эдилар. Ҳудди Аллоҳ таоло у мушриклар ҳақида айтгани каби:

(فَإِذَا رَكُبُوا فِي الْفُلُكِ دَعَوْا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ فَلَمَّا نَجَّا هُمْ إِلَى الْبَرِّ إِذَا هُمْ يُشْرِكُونَ)

«Улар қачон кемага минсалар, Аллоҳга, Унинг динига ихлос қилган ҳолларида дуо қилурлар. Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, бандоҳ ширк келтиурлар». [Анкабут: 65]

Бошқа оятда Аллоҳ таоло мушрикларга мурожат қилиб шундай дейди:

(وَإِذَا مَسَّكُمُ الظُّرُّ فِي الْبَحْرِ ضَلَّ مَنْ نَدْعُونَ إِلَّا إِيَّاهُ فَلَمَّا نَجَّاكُمْ إِلَى الْبَرِّ  
أَعْرَضْتُمْ وَكَانَ الْإِنْسَانُ كَفُورًا)

«Қачон сизни денгизда фалокат тутса, Ундан ўзга илтижо қиладиганларингиз ғойиб бўлур. Қачонки сизга нажот бериб қуруқликка чиқарса, юз ўгирасиз. Инсон ўзи неъматга нонкўрлик қилгувчиидир». [ИсроП: 67]

Агар бу мушриклардан бирортаси: «Биз анавилар ўзлари фойда беради, ўзлари касалларга шифо беради, ўзлари фойда ва зарар беради деб айтаётганимиз йўқ, балки, улар Аллоҳ билан орамиздаги ўртамчимиз», – деса, унга жавобан шундай дейилади:

«Аввалги кофирларнинг ҳам мақсади ва муроди шу бўлган. Улар олиҳалар ўзлари яратади, ризқ беради ёки манфаат ва зарар беради деб эътиқод қилмасдилар. Бу даъво Аллоҳ таолонинг улар ҳақида Куръонда айтган сўзини ботилга чиқаради. Аксинча, улар олиҳаларининг шафоати, нуфузи ва Аллоҳга яқинлаштиришини хоҳлар эдилар. Аллоҳ таоло Юнус сурасида шундай дейди:

(وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هُوَ لَاءُ شُفَاعَوْنَا  
عِنْدَ اللَّهِ)

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, манфаат ҳам етказа олмайдиган нарсаларга

ибодат қиласлар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ хузуридаги шафоатчиларимиздир!» дерлар». [Юнус: 18]

Сўнгра Аллоҳ таоло уларнинг сўзларига шундай деб жавоб берди:

﴿فُلْ أَنْتِئُونَ اللَّهَ بِمَا لَا يَعْلَمُ فِي السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

Сиз: «Аллоҳга у осмонлару ерда билмайдиган нарсаларнинг хабарини бермоқчимисизлар?!» деб айтинг. Аллоҳ улар келтираётган ширкдан пок ва юксак Зотдир». [Юнус: 18]

Аллоҳ таоло осмону ерларда мушриклар мақсад қилаётган шафоатчини билмаслигини баён қилди. Аллоҳ таоло ниманинг борлигини билмаса, у нарса йўқ демакдир. Чунки Аллоҳ таолодан ҳеч нарса махфий қолмайди. Аллоҳ таоло Зумар сурасида марҳамат қилади:

﴿تَنْزِيلُ الْكِتَابِ مِنَ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ﴾ ﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ فَاعْبُدْ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ﴾ ﴿أَلَا إِنَّ اللَّهَ الدِّينُ الْخَالِصُ﴾

«Китоб туширилиши Фолиб ва ҳикматли Аллоҳ тарафидандир. Албатта, Биз сизга китобни ҳақ ила нозил қилдик. Бас, сиз Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингизда ибодат қилинг! Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир!». [Зумар: 1-3]

Аллоҳ таоло ибодат ёлғиз Унга сарфланишини ва бандалар У Зотга ихлос қилишлари керак эканини ойдинлаштирди. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ибодатда ихлосга буюриши, Унинг бошқа барча инсонларга буйруғи демақдир.

Оятдаги дин сўзидан мақсад ибодатдир. Ибодат эса, айтиб ўтилгандай, Аллоҳ ва расулига итоат демак. Бунга дуо, мадад сўраш, қўрқув, умид, сўйлиқ сўйиш ва назр қилиш ҳамда шу билан бирга намоз, рўза ҳамда Аллоҳ ва расули буюрган бошқа ибодатлар ҳам киради.

Сўнгра Аллоҳ таоло шундай деди:

﴿وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أُولَيَاءَ مَا تَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقْرَبُونَا إِلَى اللَّهِ رُلْفَى﴾

«Ундан ўзга авлиё-дўстлар тутганлар: «Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар)». [Зумар: 3]

Бу сўзларидан кейин Аллоҳ шундай жавоб қайтарди:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فِي مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كُفَّارٌ﴾

«Албатта, У Зот улар орасида ихтилоф этаётган нарсалар бўйича ҳукм қилур. Албатта,

**Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсаларни ҳидоят қилмас». [Зумар: 3]**

Шундай қилиб Аллоҳ таоло ояти каримада кофирлар авлиёларга ўзларини Аллоҳ таолога яқин қилишлари учун ибодат қилганларини баёнлади. Қадимги ва ҳозирги кофирларнинг мақсади ҳам шудир. Аллоҳ таоло ушбу сўзи билан уларнинг бу даъволарини ботилга чиқарди:

(إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فِي مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَاذِبٌ  
كَفَّارٌ)

**«Албатта, У Зот улар орасида ихтилоф этаётган нарсалар бўйича ҳукм қилур. Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсаларни ҳидоят қилмас». [Зумар: 3]**

Бу оят билан Аллоҳ таоло "Олиҳаларнинг бандаларни Аллоҳга яқин қилади" деган даъволарини ёлғонга чиқарди ва уларга ибодат қилиш билан У Зотга кофир бўлганларини баёнлаб берди. Бу нарсалар ҳақида озгина тафаккур қилган инсон аввалги кофирларнинг куфри анбиёлар, авлиёлар ҳамда тошу дараҳтларни Аллоҳ билан ўзларининг ўрталарида ўртамчи қилганлари сабабли эканини билиб олади. Улар Аллоҳни подшоҳ ва амирларга ўхшатдилар. Худди вазирлар подшоҳлар олдида шафоат қилганлари каби,

олиҳалари ҳам Аллоҳнинг изни ва розилигисиз ҳожатларини ўтайди деб эътиқод қилиб олдилар. Улар шундай дедилар: «Худди подшоҳ ва амирларда ҳожати бор киши ўзининг хос одамлари ва вазирларини ўртага солгандай, биз ҳам Аллоҳнинг анбиёю авлиёларига ибодат қилиш билан У Зотга яқинлашамиз». Бу эса ботилларнинг энг ботилидир. Чунки У Зотга ҳеч нарса ўхшамайди ва У Зотга ҳеч ким қиёс қилинмайди. У Зот подшоҳлардан хилоф ўлароқ, барча нарсага қодир, барча нарсани билувчи, раҳмдиллар раҳмдили ва ҳеч кимдан қўрқмайди. Чунки У бандалари устидан ғолиб ва уларни хоҳлагандай бошқаради. Подшоҳлар эса барча нарсага қодир эмаслар. Шунинг учун ожиз қолган нарсаларида ёрдам берадиган вазир, хос инсонларга ҳамда аскарларга муҳтожлар. Шу билан бирга, эҳтиёжи бор инсоннинг эҳтиёжини етказадиган инсонга ҳамда уларни рози қиласидиган, кўнгилларини оладиган вазирлар ва хос инсонларга муҳтожлар. Рабб таоло эса барча махлуқотларидан беҳожат, уларга ўз оналаридан кўра раҳмдилроқ, барча нарсани ҳикмати, илми, құдратига тўғри келадиган равишда ўз ўрнига қўядиган ҳаким ва адолатди Зот. Уни Ўзининг махлуқотларига бирор

томонлама қиёс қилиш мумкин эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло ўз китобида мушриклар У Зотни яратувчи, ризқлантирувчи, бошқарувчи, ночор одам дуо қилганда ижобат этувчи, мушқулини осон қилувчи, тирилтирувчи, ўлдирувчи каби сифатлари ҳақида билишларини баён қилди. Аллоҳ таоло айтадики:

(وَلَئِنْ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقُهُمْ لَيَقُولُنَّ اللَّهُمَّ

«Агар сен улардан ўзларини ким яратганини сўрасанг, албатта, «Аллоҳ», дерлар». [Зухруф: 87]

Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

(فَلْ مَنْ يَرْزُقُهُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمْنَ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدْبِرُ الْأَمْرَ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُمَّ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ)

Сиз: «Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради? Ёки қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким, тирикни ўлиқдан, ўликни тирикдан ким чиқаради? Ишнинг тадбирини ким қиласи?» деб айтинг. Улар, албатта: «Аллоҳ», дерлар. Бас, сиз: «Тақво қилмайсизларми?» деб айтинг». [Юнус: 31]

Бу маънодаги оятлар кўпгина.

Юқорида пайғамбарлар ва умматлари орасидаги хилоф ёлғиз Аллоҳга ихлос билан

ибодатда эканига далолат қиладиган оятлар зикр қилинди. Аллоҳ таолонинг:

(وَلَقَدْ بَعْثَنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنْ أَعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَبَيْوَا الطَّاغُوتَ)

«Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганмиз», деган оятлари каби. [Наҳл: 36]

Аллоҳ таоло Ўз китобининг кўплаган ўринларида шафоат масаласини баёнлаб берди. Масалан, Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай деди:

(مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ)

«Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас». [Бақара: 255]

Нажм сурасида эса:

(وَكُمْ مِنْ مَلَكٍ فِي السَّمَاوَاتِ لَا تُغْنِي شَفَاعَتُهُمْ شَيْئًا إِلَّا مِنْ بَعْدَ أَنْ يَأْذِنَ اللَّهُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَرْضَى)

«Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар мавжуд, уларнинг шафоати ҳеч фойда бермас. Магар, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлганларга изн берса». [Нажм: 26]

Анбиё сурасида фаришталарни сифатлаб шундай дейди:

(وَلَا يَسْتَفْعُونَ إِلَّا لِمَنْ أَرْتَضَى وَهُمْ مِنْ حَشِّيَّتِهِ مُشْفِقُونَ)

«Улар фақат у Зот рози бўлган шахсларгагина шафоат қилурлар. Улар у Зотнинг қўрқинчидан титраган ҳолда туурлар». [Анбиё: 28]

Яна Аллоҳ таоло куфр келтирган бандаларидан рози бўлмаслиги, аксинча, улар шукр келтирса, рози бўлишини хабар берди. Шукр - У Зотни яккалаш ва итоат қилиш демакдир. Аллоҳ таоло Зумар сурасида айтади:

﴿إِنْ تَكُفُّرُوا فَإِنَّ اللَّهَ عَنِّي عَنْكُمْ وَلَا يَرْضَى لِعِبَادِهِ الْكُفُرُ وَإِنْ تَشْكُرُوا إِرْضَهُ لَكُمْ﴾

«Агар куфр келтирсангиз, албатта, Аллоҳ сиздан беҳожатдир. У ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар Унга шукр келтирсангиз, сиздан рози бўлур». [Зумар: 7]

Имом Бухорий Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қиласи, у киши сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, шафоатингизга етганларнинг энг баҳтлиси ким?» «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасини холис қалбдан айтган киши», – деб жавоб берганлар. Ёки: «Холис нафсдан», деб айтдилар.

Саҳиҳ ҳадисда Анас разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг мустажоб дуоси бўлган. Барча пайғамбарлар ўша дуосини

айтиб бўлишган. Мен эса дуоимни Қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун асраб қўйдим. Умматимдан ким Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаса, иншааллоҳ, ўша дуога ноил бўлади», – деганлар». Бу маънодаги ҳадислар жуда кўп.

Зикр қилинган барча ояту ҳадислар ибодат фақат Аллоҳнинг ҳаққи эканига ва У Зотдан бошқага ҳатто у пайгамбар бўлса ҳам сарфлаш мумкин эмас эканига далолат қилади. Шафоат ҳам Аллоҳ азза ва жалланинг мулки. Аллоҳ таоло айтадики:

(فَلِلَّهِ الْشَّفَاعَةُ جَمِيعًا)

«Сиз: «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳницидир», – денг». [Зумар: 44]

Аллоҳ таоло шафоатчига изн ва шафоат қилинаётгандан рози бўлмагунча ҳеч ким унга лойиқ бўлмайди. У Зотни эса айтиб ўтилгандай фақат тавҳид рози қилади. Мушрикларнинг эса шафоатдан улуши йўқ. Аллоҳ таоло айтадики:

(فَمَا تُنْفِعُهُمْ شَفَاعَةُ الشَّاغِرِينَ)

«Бас, уларга шафоатчиларнинг шафоати манфаат бермайди». [Муддассир 48]

Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

(مَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ حَمِيمٍ وَلَا شَفِيعٍ يُطَاعُ)

«Золимлар учун ҳеч бир дўст ҳам, итоат қилинадиган шафоатчи ҳам йўқ». [Фоғир: 18]

Аллоҳ таоло айтгани каби зулм сўзи мутлоқ кўринишида келса, ширк маъносини англатади:

(وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ)

«Ва кофирлар-ўшалар, золимлардир».  
[Бақара: 254]

Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

(إِنَّ الشَّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ)

«Албатта, ширк катта зулмдир».

[Луқмон 13]

Саволда зикр қилинган баъзи сўфиларнинг масжида ва бошқа жойларда: Аллоҳим қудрат сирларинг очилишига ва раҳмат нурларинг сочилишига сабаб бўлган зотга салавот айт! Шундан сўнг Рабб ҳузуридан ноиб, Зотий сирларинг халифасига айланди», деган сўзларига келсак:

Бунга жавоб: «Бу ва шунга ўхшаш сўзлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сахиҳи Муслимда Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда қайтарган ғулув ва такаллуф бобига киради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мутанаттеълар (ғулувга кетганлар, ҳар масалага шўнғиб кетувчилар) ҳалок бўлдилар», деб уч марта айтдилар».

Имом Хаттобий раҳимаҳуллоҳ айтадилар:  
**Мутанаттиъ: бирор нарсани чуқур ўрганишга**

ҳаракат қилувчи, аҳамиятсиз нарсалар ҳақида фикр юритувчи, аҳли қалом мазҳаблариға әргашган, ўзига тегишли бўлмаган ишларга аралашувчи ва ақли етмайдиган мавзуларда баҳс қиласидиган одам.

Абу Саодат ибн Асир раҳимаҳуллоҳ ҳам айтадилар: Гапиришда ғулув кетганлар. Томоқларини энг юқори қисми билан гапиравчилар. (Нитъ)деган сўздан олинган бўлиб, у танлайнинг олд қисмини англатади. Шундан сўнг бу сўз амалда ва сўзда чуқур кетганларга ишлатилиб қолган.

Озгина ақли бор инсонга луғат имомларининг зикр қилган сўзиларидан Набийимиз ва саййидимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу кайфиятда салавоту салом айтиш қайтарилган мутаноттеъликдан экани маълум бўлади. Мусулмон киши бу бобда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган кайфият ва сифатдаги салавотни танлаши керак. Щунинг ўзи унга етади.

Ворид бўлган саловатлардан: Имом Бухорий ва имом Муслим саҳиҳайнда Каъб ибн Ужро разияллоҳу анхудан ривоят қиласидилар: Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ сизга салавот айтишга буюрди. Сизга қандай салавот айтамиз?», – деб сўрашди. Шунда: «[Аллоҳумма](#)

солли ъалаа Мұҳаммад ва ъалаа аали Мұҳаммад, камаа соллайта ъалаа Иброҳийм ва ъалаа аали Иброҳийм, иннака ҳамийдун- мажийд. Ва баарик ъалаа Мұҳаммадин ва ъалаа аали Мұҳаммад, камаа баарокта ъалаа Иброҳийм ва ъалаа аали Иброҳийм иннака ҳамийдун- мажийд», деб айтинглар», дедилар».

Маъноси: «Аллоҳим! Мұҳаммадни, унинг завжаларини ва зурриётларини худди оли Иброҳимни ёрлақаганингдек ёрлақагин. Мұҳаммадни, унинг завжаларини ва зурриётларини худди оли Иброҳимни баракотли қилганингдек баракотли қилгин. Албатта, Сен Ҳамийдсан, Мажийдсан».

Саҳиҳайнда Абу Ҳумайд Соъидий разияллоху анхудан ривоят қилинади: «Улар: «Ё Расулуллоҳ, сизга қандай салавот айтамиз», деб сўрашди. Шунда: «Эй Аллоҳ! Иброҳим оиласи-умматига салавот йўллаганинг каби Мұҳаммадга ва унинг аёллари ва зурриётларига ҳам салавот йўлла. Иброҳим оиласи-умматига хайр-баракот ато этганингдек Мұҳаммадга ва унинг аёллари ва зурриётларига ҳам хайр-баракот ато эт. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан», – деб айтинглар», – деганлар».

Саҳиҳ Муслимда Абу Масъуд Ансорий разияллоху анхудан ривоят қилинади: «Башир

ибн Саъд: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ сизга салавот айтишга буюрди. Қандай қилиб салавот айтамиз?» деди. Шунда сукут қилиб турдиларда сўнгра шундай дедилар: «Аллоҳумма солли ъалаа Мұҳаммад ва ъалаа аали Мұҳаммад, камаа соллайта ъалаа аали Иброҳим, Ва баарик ъалаа Мұҳаммадин ва ъалаа аали Мұҳаммад, камаа баарокта ъалаа аали Иброҳима филъааламийна иннака ҳамийдун-мажийд», деб айтинглар», дедилар».

Маъноси: «Аллоҳим! Мұҳаммадни, унинг завжаларини ва зурриётларини худди оли Иброҳимни ёрлақаганингдек ёрлақагин. Мұҳаммадни, унинг завжаларини ва зурриётларини худди оли Иброҳимни баракотли қилганингдек баракотли қилгин. Албатта, Сен Ҳамийдсан, Мажийдсан».

Мусулмон киши салавот ва салом айтаётганда, шу ва шу қаби Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган лафзларни қўллаши керак. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ва Раббилари ҳаққида қандай сўзлар ишлатилиши яхшироқ эканини билувчироқлар.

Аммо саволда зикр қилинган лафзлар қаби янги чиққан такаллуфли ва тўғри эмас маъно бериш эҳтимоли бўлган сўзлар эса,

қўлланилмаслиги керак. Чунки унда такаллуф бор ва ботил маънолар билан тафсирланиши мумкин. Шу билан бирга бу лафзлар бандаларнинг энг билувчиси, энг насиҳатгўйи, такаллуфдан энг йироғи бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари учун танлаган ва шунга йўллаган лафзларга хилоф.

Тавҳид ва ширкнинг ҳақиқати, аввалги ва ҳозирги мушриклар орасидаги фарқ ҳамда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш кайфияти ҳақида зикр қилган далилларимиз ҳақ талаб қилувчи инсон учун етарли ва қониқарли бўлди деб умид қиласман. Аммо ким ҳақни билишга рағбат қиласа, дарҳақиқат, у ҳавои нафсига эргашибди. Аллоҳ азза ва жалла айтганки:

(فَإِنَّمَا يَسْتَحِيْبُوا لَكَ فَاعْلُمْ أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَاءَهُمْ وَمَنْ أَضَلُّ مِنَ اتَّبَعَ هَوَاءَ  
بِغَيْرِ هُدًى مِنَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ)

«Агар сизга жавоб бера олмасалар, бас, билингки, улар фақат ҳавои нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавои нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилас». [Қасос: 50]

Аллоҳ бу оятда баёнламоқдаки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган

ҳидоят ва ҳақ динга нисбатан одамлар икки қисмга бўлинади:

Биринчиси: Аллоҳ ва расулига ижобат қилган.

Иккинчиси: Ҳавои нафсига эргашган. Аллоҳ таоло Унинг ҳидоятига эмас, аксинча, ўз ҳавосига эргашиб кетган кимсадан қўра адашганроқ кимса йўқ эканини хабар берди.

Аллоҳ азза ва жалладан ҳавои нафсга эргашишдан паноҳ беришини сўраймиз. Бизни, сизларни ва бошқа биродарларимизни Аллоҳ ва расулига ижобат қилувчи, шариатини улуғловчи, бидъат ва ҳавои нафс каби шариатга хилоф нарсалардан сақлашини сўраймиз. Албатта У Саҳий ва Карим Зотдир.

Аллоҳнинг бандаси ва расули Набийимиз Муҳаммадга, У кишининг аҳли аёллари, асҳоблари ва Қиёматгача яхшилик билан эргашувчиларга Аллоҳнинг салавоти бўлсин.

## **Бидъатлардан огоҳлантириш**

### **Биринчи рисола**

#### **Мавлид ва бошқа байрамларни нишонлашнинг ҳукми**

Аллоҳ таолога ҳамдлар, Расулуллоҳ ҳамда Уларнинг аҳли оиласари, асҳоблари ва тўғри йўлини йўл тутганларга салавот ва саломлар бўлсин.

Аммо баъд: Менга кўп инсонлардан «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилган кунларини нишонлаш, бу тадбирда У киши учун ўринлардан туриш ва У зотга салом йўллаш каби амалларнинг ҳукми қандай?», деган савол қайта-қайта берилмоқда.

Жавоб: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлидини (туғилган кунини) ёки бошқа кишиларнинг туғилган кунларини нишонлаш жоиз эмас. Чунки бу динда янги пайдо бўлган бидъатлардан саналади. Бунга далил шуки: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, тўғри йўлдаги тўрт халифа ҳам, саҳобалар ва уларга яхшилик йўлида эргашганлар ҳам бу амални

қилмаганлар. Улар суннатни энг яхши билган, Пайғамбаримизга бўлган муҳаббатлари ва шариатга эргашишлари кейинги авлодларга нисбатан кўпроқ бўлган қавм эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган ҳадисда шундай дейилган: «Кимки бизнинг бу ишимизда (динимизда) ундан бўлмаган бир нарсани ихтиро қилса, у рад этилур». . Бошқа ҳадисда шундай дейилган: «Сизлар менинг суннатим ва ортимда қолган тўғри йўлдаги, ҳаққа ҳидоят қилинган халифаларимнинг ( яъни саҳобаларнинг) суннатини маҳкам тутишингиз вожиб. Уни (суннатни) озиқ тишларингиз билан (маҳкам) тишлаб олинглар! Ишларнинг янгиларидан сақланинглар! Чунки ҳар бир (диндаги) янгилик бидъатдир. Ҳар бир бидъат эса залолатдир».

Бу икки ҳадисда бидъатлардан ва уларга амал қилишдан қаттиқ қайтарилимоқда. Аллоҳ таоло Ўзининг Мубийн (очиқ-ойдин баёнловчи) бўлган китобида шундай деб бир неча оятларда марҳамат қилган:

(وَمَا آتَكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَلَا تُهُوَّا)

«Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар». [Хашр: 7]

(فَلَيَحْذِرُ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ)

«Унинг ишига хилоф қиладиганлар ўзлариға фитна етиши ёки аламли азоб етишидан ҳазир бўлсинлар». [Нур: 63]

(لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْنَةٌ حَسَنَةٌ لِمَنْ كَانَ يَرْجُو اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ  
وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا)

«Батаҳқиқ, сизлар учун, Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди». [Аҳзоб: 21]

(وَالسَّابِقُونَ الْأَوَّلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارَ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ  
رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعْدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتَهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ  
فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ)

«Биринчи пешқадам муҳожирлар ва анзорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Уларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Уларда абадий қолурлар. Ана ўша улкан ютуқдир». [Тавба: 100]

(الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِيَنَكُمْ وَأَنْمَطْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا)

«Бугун Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози

**бўлдим».** [Моида: 3] Бу маънодаги ояллар жуда кўп.

Бу каби мавлидларни ихтиро қилишдан шундай деган хулоса келиб чиқади: Гўёки Аллоҳ таоло бу уммат учун динини комил қилмаган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммат амал қилиши керак бўлган зарур нарсаларни баёнламаганлар. Шунинг учун, кейинги авлод келиб Аллоҳ таоло шариатида изн бермаган нарсаларни ихтиро қилиб, бу амаллар Аллоҳга яқинлаштиради деб даъво қилишмоқда. Бу, шубҳасиз, катта хавфли иш бўлиб, Аллоҳ таолога ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга эътиroz қилиш ҳисобланади. Аллоҳ таоло йўз бандалари учун динини комил қилиб берган ва уларга йўз неъматларини тўкис қилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса шариатни тўлик, очиқ-ойдин етказганлар ва уммат учун жаннатга етаклайдиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган ҳар қандай йўлни баён қилиб берганлар. Бу Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилинган сахих ҳадисда қайд этилган. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Аллоҳ таоло бирон бир пайғамбарни юборган экан, у пайғамбар умматига яхшиликни ўргатиш ва ёмонликдан

**қайтаришни ўз зиммасига олган».** Имом Муслим ўз саҳиҳида ривоят қилган.

Набийимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам анбиёларнинг энг афзали, хотами ва насиҳати ю балоғати комилроқ экани бизга маълум. Агар мавлидни нишонлаш Аллоҳ рози бўладиган диндан бўлганда эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баёнлаб берган, тирикликларида нишонлаган ёки асҳоблари қилган бўлар эди. Улар бу ишларни қилмагач Исломда унинг ўрни йўқ экани маълум бўлади. Аксинча, юқорида зикр қилинган ҳадислардаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини огоҳлантирган ишлардан. Бу ҳақида бошқа ҳадислар ҳам ворид бўлган. Масалан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбаларида: «Аммо баъд: Энг яхши сўз Аллоҳнинг китобидир. Энг яхши ҳидоят Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони бидъат. Ҳар бир бидъат залолатдир», – дер эдилар. Имом Муслим саҳиҳида ривоят қилган.

Бу бобга оид оят ва ҳадислар талайгина.

Бир қанча уламолар юқоридаги далилларга биноан, мавлидни инкор қилганлар ва ундан огоҳлантирганлар. Баъзи кейинги уламолар буни яхши бидъатлардан деб гумон қилиб,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ғуулувга кетиш, аёл ва эркаклар аралашиши, мусиқа асболарини ишлатиш каби шариат инкор қилган мункарларни ўз ичига олмаса жоиз дейишган.

Шаръий қоида: Инсонлар тортишган мавзуларда Аллоҳ таолонинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига кайтилади. Аллоҳ таоло айтадики:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكَ الْأَمْرُ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَازَ عَثُمٌ فِي شَيْءٍ فَرُدُوْهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ ثُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ ثَوْبًا لَّا)

«Эй, иймон келтиргандар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошчиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир». [Нисо: 59] Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَا احْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ)

«Бирор нарсада ихтилоф қилсангиз, унинг хукми Аллоҳдадир». [Шуро: 10]

Мавлидни нишонлашни Аллоҳ таолонинг китобига қайтарган эдик у (Куръон) бизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб

келган нарсага эргашишга ва қайтарган нарсасидан қайтишга буюрди. Аллоҳ таоло бу умматнинг динини комил қилгани ва бу байрам эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган динда йўқ эканини хабар берди. Шундай қилиб, бу байрам Аллоҳ комил қилган ва бизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга буюрган динидан эмаслиги баён бўлди.

Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлариға ҳам қайтардик, У зот бунга амал қилганлари, буюрганлари ёки асҳоблари қилганлари ҳақида бирор нарса топмадик. Шунинг учун, бу амал диндан эмаслиги, аксинча, янги чиққан ишлардан ҳамда яхуд ва насронийлар байрамлариға ўзини ўхшатиш бобидан экани бизга маълум бўлди.

Озроқ ақли, ҳаққа рағбати ва уни талаб қилишда инсофи бор инсонга мавлидни нишонлаш Ислом динидан эмаслиги маълум бўлади. Аксинча, бу Аллоҳ ва Расули тарк қилишга буюрган ва огоҳлантирган янги ишлардандир. Оқил инсон дунёning ҳар бурчагида кўп одамлар нишонлаётганини кўриб алданиб қолмаслиги керак. Чунки, ҳақ кўп инсонлар эргашиши билан эмас, балки

шаръий далиллар билан билинади. Аллоҳ таоло яхуд ва насронийлар ҳақида айтадики:

(وَقَالُوا لَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ كَانَ هُودًا أَوْ نَصَارَى تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ قُلْ هَأْتُوا بُرْهَانُكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ)

«Ва улар: «Жаннатга яхудий ва насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмас», – дедилар. Бу уларнинг хом хаёллариридир. Сиз: «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», – деб айтинг». [Бақара: 111] Ва яна Аллоҳ таоло айтади:

(وَإِنْ ثُطِعْ أَكْثَرَ مَنْ فِي الْأَرْضِ بِضُلُوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ)

«Ва агар ер юзидағиларнинг кўпларига итоат қилсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан адаштирадилар». [Анъом: 116]

Шунингдек, мавлидларни нишонлашнинг аксарияти – бидъат бўлишидан ташқари – бошқа ёмонликларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, аёллар ва эркакларнинг аралашиб кетиши, қўшиқ ва мусиқа асбобларидан фойдаланиш, маст қилувчи ичимликлар ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиниши каби ёмон ишлар амалга оширилади. Бундан ҳам каттароқ гуноҳлар содир бўлиши мумкин. Яъни, катта ширкка тушиш. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёки бошқа авлиёларни ҳаддан ташқари улуғлаш, уларга дуо қилиш, улардан ёрдам сўраш, мадад талаб

қилиш, ғайбни билишини эътиқод қилиш каби куфр амаллар бўлиши мумкин. Бундай ишлар кўпчилик томонидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудларини ёки авлиё деб аталувчи бошқа шахсларнинг таваллудини нишонлаш пайтида содир этилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ ҳадисда ривоят қилинганки, У зот айтганлар: «(Эй одамлар!)Динда ғулувдан сақланинглар, чунки сизлардан олдинги умматларни диндаги ғулув ҳалок қилди». Бошқа ҳадисда шундай деганлар: «Мени насронийлар Ибн Марямни кўкларга кўтариб мақтагани каби мақтаманглар! Мен Аллоҳнинг бандасиман, холос. Шу боис «Аллоҳнинг бандаси ва Расули», денглар». Имом Бухорий Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилган.

Ажабланарли ва ғаройиб ҳолатлардан бири шундаки, кўплаб одамлар бу бидъат саналган байрамларда фаоллик кўрсатиб, ҳарис бўлиб иштирок этадилар ва уларни ҳимоя қиласидилар. Лекин Аллоҳ уларга вожиб қилган жума намозлари ва жамоат намозларини адо этишда сусткашлиқ қиласидилар, бунга аҳамият ҳам бермайдилар. "Катта ва мункар иш қилдим" деб ўйлаб ҳам қўймайдилар. Бу шубҳасиз иймоннинг заифлиги, басиратнинг ноқислиги

хамда қалбларга гуноҳ ва маъсиятлар тўхтовсиз ёғилиб уни қоплаб олиш натижасидир. Биз ўзимиз ва барча мусулмонлар учун Аллоҳдан оғият сўраймиз.

Шу каби ҳолатлардан яна бири шундаки, баъзилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу мавлидга ташриф буюрадилар деб ўйлайдилар. Шунинг учун улар У зотга ҳурмат кўрсатиш ва қарши олиш учун ўринларидан турадилар. Бу эса энг катта ботил ва қабиҳ жаҳолатдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қиёмат куни келмасидан олдин қабрларидан чиқмайдилар, бирорта билан боғланмайдилар ва мажлисларга қатнашмайдилар. Аксинча, Қиёматгача қабрларида қоладилар ва руҳлари эса Раббиларининг ҳузурида энг олий даражада, мукаррам диёрда қолади. Бу ҳақида Аллоҳ таоло «Мўминун» сурасида шундай деб марҳамат қилган:

﴿إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمْ يَشُونَ 15 إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تُبَعَثُونَ﴾

«Сўнgra, албатта, сизлар бундан кейин ўлгувчидирсиз. Сўнgra, албатта, сизлар қиёмат куни қайта тирилтирилурсиз». [Мўминун: 15, 16]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Мен Қиёматда қабрдан энг

биринчи бўлиб чиқувчиман, биринчи шафоат қилувчиман ва биринчи шафоати қабул қилинувчиман». Раббиларидан У зотга салавоту саломлар бўлсин.

Бу ояти карима ва ҳидиси шариф ҳамда шулар каби бошқа оят ва ҳадисларнинг барчаси шунга далолат қиласдики, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва бошқа марҳумлар қабрларидан фақат Қиёмат куни чиқадилар. Бу масалада барча мусулмон уламолари иттифоқ қилган бўлиб, улар орасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ушбу масалаларга эътиборли бўлиши, Аллоҳ таоло бирор далил нозил қилмаган бўлсада жоҳиллар ва уларга ўхшаганлар томонидан пайдо қилинган бидъат ва хурофотлардан эҳтиёт бўлиши керак. Аллоҳдан ёрдам сўраймиз ва Унга суюнамиз. Ундан ўзгада на куч ва на ҳолатни ўзгартиришга қудрат бор.

Энди Расууллоҳга салавоту саломлар айтишга келсак, у энг яхши қурбатлардан ва солиҳ амалларданdir. Аллоҳ таоло айтади:

(إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَّوْا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا  
شَلِّيْمًا)

«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга салавот айтурлар. Эй, иймон

**келтирганлар! Сиз ҳам унга салавот айтинг ва салом юборинг». [Ахзоб: 56]**

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: «Ким менга битта салавот айтса Аллоҳ унга ўнта салавот айтади», - деганлар. Салавот айтиш ҳар доим машруъдир. Ҳар бир намоз охирида, хусусан, охирги ташаҳҳудда айтиш айрим уламолар наздида вожиб. Шунингдек, кўп ўринларда суннати муаккада ҳисобланади. Жумладан, кўплаб хадислар далолат қилган аzonдан кейин, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам зикр қилингандарида, жума куни ва жума кечаси салавот айтиш.

Аллоҳ таолодан барчамизни Унинг динини тушуниш ва унда собит қолишда тавфиқ беришини сўраймиз. Шунингдек, ҳаммамизга суннатга амал қилишни ва бидъатдан сақланишни насиб айласин. Албатта, У карамли ва саҳий Зотдир.

Аллоҳ таоло бизнинг набийимиз Мұҳаммадга, унинг оиласи ва саҳобаларига салавот ва салом йўлласин.

## Иккинчи рисола

### Исрo вa меърoж кечасини нишонлашнинг хукми

Аллоҳ таолога ҳамдлар, Расулуллоҳга ҳамда У зотнинг аҳли оилалари ва асҳобларига салавоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд: Шубҳасиз, Исрo вa Меърoж воқеалари Аллоҳнинг буюк оятларидан бўлиб, у Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ростгўйлигига ва Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги олий мақомига далолат қиласи. Шунингдек, у Аллоҳнинг буюк қудрати ва Унинг барча махлуқотларидан устунлигига далиллардан бири ҳисобланади. Аллоҳ таоло шундай дейди:

(سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعْدَهُ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى<sup>١</sup>  
الَّذِي بَارَكْنَا حَوْلَهُ لِتُرِيهَ مِنْ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ)

«Ўз бандасини кечаси Масжидул Ҳаромдан атрофини баракали қилганимиз Масжидул Ақсога мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайд қилдирган Зот пок бўлди. Албатта, У эшиклавчи ва қўргувчи Зотдир». [Исрo: 1]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам осмонга кўтарилганлари, унинг эшиклари очилиб еттинчи осмондан ҳам ўтганлари, Аллоҳ

таоло У зот билан ўзи хоҳлаган мавзу ҳақида гаплашгани ва беш вақт намозни фарз қилгани ҳақида ҳадислар мутавотир ворид бўлган. Аллоҳ таоло аввалда эллик маҳал намоз ўқишни фарз қилган эди. Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайта-қайта бориб енгиллатишни сўрайвердилар. Ниҳоят, намоз беш вақт қилиб белгиланди. Бу беш вақт фарз бўлса-да, савоб жиҳатидан эллик вақтга тенг, чунки ҳар бир яхшилик ўн баробар қилиб ҳисобланади. Аллоҳнинг барча неъматлари учун Унга ҳамд ва шукрлар бўлсин!

Ҳадис илми уламоларининг сўзларига кўра, Исро ва Меъроҷ воқеаси содир бўлган кечанинг аниқ қайси куни, Ражаб ойида ёки бошқа вақтда бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот ҳадисларда келмаган. Аниқлиги ҳақида айтилган ҳадислар эса саҳиҳ эмас.

Инсонлар бу кун қайси эканлигини унутишларида Аллоҳ таолонинг буюк ҳикмати бор. Агар бу кечанинг аниқ куни маълум бўлганида ҳам мусулмонларга буни маҳсус ибодатлар билан ўтказиш, байрам қилиш ёки бошқа бирор нарса билан хослаш мумкин бўлмас эди. Сабаби шундаки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда саҳобалари разияллоҳу анҳум бу кунни байрам

қилмаганлар ва уни алоҳида ибодат билан ўтказмаганлар. Агар бу кечани байрам қилиш шариатда жоиз бўлганда эди, албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни умматларига сўзлари ёки амаллари билан баён қилган бўлар эдилар. Агар У зотдан бу амал собит бўлганда, сахобаи киромлар бизга нақл қилган бўлардилар. Чунки улар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан уммат муҳтоҷ бўладиган барча нарсаларни нақл қилганлар ва бирор нарсани эътиборсиз ташлаб қўймаганлар. Аксинча, улар барча яхшиликларга қувиб ўтувчиidlар. Агар бу тунни нишонлаш машруъ бўлганда, улар нишонлашда аввалгилардан бўлар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг энг насиҳатгўйи бўлганлар, пайгамбарликни энг мукаммал равишда бажарганлар ва омонатни ўтаганлар. Агар бу тунни улуғлаш ва уни нишонлаш Аллоҳ таолонинг динидан бўлганда эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан ҳеч қачон ғафлатда қолмаган ва яширмаган бўлар эдилар. Демак, бу кечани байрам қилиш ва улуғлаш Исломдан эмас. Аллоҳ таоло бу умматга динини комил қилди ва барча неъматларини тўкис қилди. Шунингдек, шариатда Аллоҳ таоло

рухсат бермаган нарсани ихтиро қилганларни қоралаган. Каломи шарифнинг Моида сурасида шундай дейилган:

(الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَنْمَطْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا)

«Бугун Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим». [Моида: 3]

Шуро сурасида эса шундай деган:

(أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ شَرَّعُوا لَهُمْ مِنَ الدِّينِ مَا لَمْ يَأْذِنْ بِهِ اللَّهُ وَلَوْلَا كَلِمَةُ الْفَصْلِ  
لَفَضَيَّ بَيْنَهُمْ وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ)

«Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шеърик(худо)лари борми?! Агар ажрим калимаси бўлмаганида, албатта, улар ўртасида хукм қилинган бўлар эди. Албатта, золим кимсалар учун аламли азоб бордир». [Шуро: 21]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадисларда бидъатларнинг хавфидан огоҳлантириш ва уларни залолат эканининг очиқ-ойдин баёни ворид бўлган. Ҳадислар бу умматни бидъатларнинг улкан хатаридан огоҳлантириш ва уларни содир этишдан қайтариш мақсадида айтилган. Шу жумладан, Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» китобларида келтирилган Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир».

Муслим ривоятида эса: «Ким бизнинг ишимизда бўлмаган бир амални қилса, у рад қилинади», деган лафзда ворид бўлган.

Саҳиҳи Муслимда Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жума кунининг хутбасида: «Аммо баъд: Энг яхши сўз Аллоҳнинг китобидир. Энг яхши ҳидоят Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони бидъат. Ҳар бир бидъат залолатдир», – дер эдилар.

Имом Насоий ҳасан санад билан қилган ривоятида: «Ва ҳар бир залолат дўзахдадир», деган жойи зиёда қилинган.

Ирбоз ибн Сория разияллоҳу анҳудан «Сунан» китобида ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бизга мавъиза қилдилар. Бундан қалблар қўрқувга тушди, кўзлар ёшга тўлди. Шунда биз: «Ё Расулуллоҳ! Бу бамисоли видолашаётган кишининг мавъизасидек бўлди. Энди насиҳат қилинг!» дедик. «Сизларга Аллоҳ азза ва жалладан қўрқиши васият қиласман. Агар бир

кул устингизга амир бўлса ҳам, унга қулоқ тутинг, итоат этинг. Ҳали сизлардан (узоқроқ) яшаганларингиз кўп ихтилофларни қўради. Бас, менинг суннатимга ва ҳидоят қилинган, тўғри йўлдаги халифаларнинг суннатига эргашингиз! Уни озиқ тишларингиз билан (маҳкам) тишлаб олинглар. Янги пайдо бўлган ишлардан эҳтиёт бўлинглар. Зеро, ҳар бир бидъат залолатдир», – дедилар. Бу маънодаги ҳадислар жуда кўп.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ва улардан кейинги салаф уламолар бидъатлардан огоҳлантирганлари ва қаттиқ қайтарганлари событ бўлган. Чунки бу динга қўшимча қўшиш, Аллоҳ рухсат бермаган нарсани шариат қилиб олишдир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло изн бермаган нарсани динга қўшиш ва бидъатлар ихтиро қилиш Аллоҳнинг душмани яхудий ва насронийларга ўзини ўхшатиш бўлиб қолади. Бундан ташқари, бидъатлар ислом динига камчилик нисбат беришни ва уни номуккаммал деб айблашни англатади. Бу эса катта бузғунчилик, оғир гуноҳ ҳамда Аллоҳ таолонинг:

(الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ)

**«Бугун сизларга динингизни комил қилиб бердим», [Моида: 3] деган сўзига ҳамда бидъатлардан огоҳ бўлишга чақирувчи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига очик-ойдин қарши чиқишидир.**

Ҳақни талаб қилувчи киши учун Исро ва Меъроҷ кечасини нишонлаш бидъатлиги, ундан огоҳ бўлиш, Ислом динига унинг тааллуқли жойи йўқ экани ҳақида қаноатли даражада далиллар олиб келдик деб умид қиласиз.

Аллоҳ таоло мусулмонларга насиҳат қилишни, улар учун тузиб берган динини баён этишни вожиб қилгани ҳамда илмни яширишни ҳаром қилгани сабабли, мен бу бидъатдан мусулмон биродарларимни огоҳлантиришни лозим топдим. Чунки бу бидъат кўпгина диёrlарда кенг тарқалди ва айрим одамлар уни диндан деб ўйлаб қолдилар.

Аллоҳдан сўраймизки, барча мусулмонларнинг аҳволларини ислоҳ қилсин, уларга динда фиқҳ (тушунча) берсин, бизларни ва уларни ҳакда мустаҳкам туришга, унга амал қилишга ҳамда унга зид бўлган нарсаларни тарқ этишга муваффақ қилсин. Албатта, Аллоҳ шунинг ҳомийси ва бунга қодир Зотdir.

Расулимиз ва набийимиз  
Уларнинг аҳли-аёллари ва Мухаммадга,  
салавоту саломлар бўлсин. асҳобларига

## Учинчи рисола

### Шаъбоннинг ярмидаги тунни нишонлашнинг ҳукми

Динни мукаммал ва неъматини комил қилиб берган Аллоҳга хамлар бўлсин. Тавба ва раҳмат пайғамбари Муҳаммадга салавоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд: Дарҳақиқат Аллоҳ таоло айтадики:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَنْمَطْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим». [Моида: 3]

Бошқа оятда эса шундай дейди:

﴿أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ شَرَّعُوا لَهُمْ مَا لَمْ يَأْذِنْ بِهِ اللَّهُ﴾

«Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шеърик (худо)лари борми?!». [Шуро: 21]

Саҳихайнда Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир», деганлар».

Саҳиҳи Муслимда Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума хутбасида: [«Аммо баъд: Энг яхши сўз Аллоҳнинг китобидир. Энг яхши ҳидоят Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони бидъат. Ҳар бир бидъат залолатдир»](#), – дер эдилар».

Бу маънодаги оят ва ҳадислар кўп. Бу ояту ҳадислар Аллоҳ таолонинг бу умматга динини мукаммал, неъматини комил қилганига далолат қиласи. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам динни очиқ ойдин етказмагунча ва Аллоҳ таоло шариат қилган сўзлар ва амалларни баён қилмагунча вафот этмадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларидан сўнг инсонлар томонидан ислом динига мансуб қилиб келтириладиган барча сўз ёки амаллар бидъат эканлигини ҳамда уни амалга оширган инсоннинг нияти яхши бўлса ҳам, рад этилишини баён қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳам бу ишнинг мағизини тушуниб етганлар. Шунингдек, ислом олимлари ҳам шу йўлдан бориб, бидъатларни инкор қилганлар ва улардан огоҳлантирганлар. Бу ҳақда суннатни улуғлаш ва бидъатни инкор қилишга бағишлиб китоб ёзган олимлар, масалан, Ибн Ваддоҳ,

Тартуший, Абу Шома ва бошқалар ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар.

Баъзи одамлар ихтиро қилган бидъатлардан: Шаъбоннинг ўн бешинчи кечасини нишонлаш ва кундузини хослаб рўза тутиш. Бу ҳақида таянса бўладиган саҳих ҳадис келмаган. Тўғри, унинг фазли ҳақида заиф ҳадислар ворид бўлган, лекин уларга суюниш жоиз эмас.

Энди унда намоз ўқиш ҳақида келган ҳадисларга келсак, аҳли илмлар айтиб ўтгани каби уларнинг барчаси тўқима ҳадислар. Кейинчалик у ҳадислардан баъзиларини зикр қиласиз иншааллоҳ.

Яна у ҳақида Шом ва бошқа ердаги уламолардан асарлар ҳам ворид бўлган.

Жумҳур уламолар у бидъат эканига ижмоъ қилганлар. Унинг фазли ҳақидаги ҳадисларнинг баъзиси заиф ва баъзиси тўқимадир. Ҳофиз Ибн Ражаб ўзининг «Латоифул-маъориф» китоби ва бошқа китобларида бу ҳақида сўз юритган уламолардан. Заиф ҳадисларга, фақат асоси саҳих далиллар билан собит бўлган ибодатларда амал қилинади. Шаъбоннинг яrim кечасини нишонлашнинг саҳих асоси йўқ. Шунинг учун бу ҳақда заиф ҳадисларга таяниш мумкин эмас. Бу улуғ қоидани имом Абу Аббос

шайхул Ислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ зикр қилганлар.

Эй китобхон, бу хақда аниқ маълумотга эга бўлишингиз учун баъзи уламоларнинг бу масаладаги сўзларини нақл қиласман.

Уламолар – раҳматуллоҳи алайҳим – иттифоқ қилганларки, одамлар ўртасида ихтилоф қилинган масалаларда вожиб бўлган иш – уларни Аллоҳнинг Китобига ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатига қайтаришдир. Агар Қуръон ёки Суннат улар ҳақида ҳукм чиқарган бўлса, у шариат бўлиб, унинг бажарилиши вожибdir. Қуръон ва Суннатга зид бўлган ҳар қандай нарса рад этилиши лозим. Агар уларда маълум бир ибодат ҳақида ҳеч қандай далил келтирилмаган бўлса, у бидъат бўлиб, уни қилиш жоиз эмас, қолаверса, унга чақириш ёки уни маъқуллаш ҳам жоиз эмас. Бу ҳақида Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деган:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكُمْ مُنْكَمْ فَإِنْ تَنَازَّ عِظَمٌ فِي سَيِّءٍ فَرُدُوْهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ ثُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا)

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва

охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир». [Нисо: 59] Бошқа сурада эса шундай дейди:

(وَمَا اخْتَلَفُتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ۝)

«Бирор нарсада ихтилоф қилсангиз, унинг ҳукми Аллоҳдадир». [Шуро: 10]

(فَلَنِ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَۚ فَأَتَتَّبِعُونِي يُحِبِّكُمُ اللَّهُۚ وَيَغْفِرُ لَكُمْ دُنُوبَكُمْ۝)

«Сиз: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қиласидир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиласидир», деб айтинг». [Оли Имрон: 31]

(فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا)

«Йўқ, Раббингизга қасамки, сизни ўз ораларида чиқсан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича, кейин, чиқарган ҳукмингизга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар!» [Нисо: 65]

Бу маънода ояллар кўп. Улар ихтилофли масалаларни Китоб ва Суннатга қайтариш, уларнинг ҳукмига рози бўлиш вожиблигига, бу эса иймоннинг талаби эканлигига далилдир. Бу

банда учун ҳам бу дунёда, ҳам охиратда яхшидир ва энг яхши оқибатга олиб борур.

Ҳофиз Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ ўзининг «Латоифул-маъориф» китобида бу масала ҳақида, олдинги сўзлардан кейин, шундай деган:

«Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечасини Шом аҳлидан бўлган Холид ибн Маъдон, Макҳул ва Луқмон ибн Омир каби тобеинлар улуғлашар ва ибодатда тиришишар эди. Одамлар ҳам фазли хақидаги маълумотларни шулардан олганлар. Аслида, уларга бу ҳақда исроилият ҳикоялари етиб келган дейилган. Ривоятлар улар томонидан шаҳарларда машҳур бўлиб кетгач, одамлар ўртасида ихтилоф пайдо бўлди. Улардан баъзилари Шом аҳлининг бу амалига қўшилиб, бу кечани улуғлашди. Буларнинг орасида Басра обидлари ва бошқалар ҳам бор эди. Аммо ҳижознинг кўплаб уламолари буни инкор қилишган. Улардан: Ато, ибн Абу Мулайка. Абдураҳмон ибн Зайд ибн Аслам ҳам Мадина аҳлидан шу инкорни нақл қилган. Бу Имом Молик асҳоблари ва бошқаларнинг сўзидир. Улар: «Бунинг барчаси бидъат», – дейишган.

Шом аҳлининг уламолари эса, у тунни тирилтириш сифатида иккига бўлинганлар:

Бириңчиси: Масжидда жамоат билан уни тирилтириш мустаҳаб дейишган. Холид ибн Маъдон ва Луқмон ибн Омир каби имомлар энг яхши кийимларини кийишар, хушбўйланар, кухл суртишар ва туни билан масжидда қиёмда турар эдилар. Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ҳам бу ишда уларга мувофиқ келган ва масжидда қиёмда туриб намоз ўқиши ҳақида: «Бу бидъат эмас», деган. Ҳарб Кармоний ўз масалаларида ушбу сўзни нақл қилган.

Иккинчиси: Бу тунни хослаб масжидларда намоз, қиссалар ва дуо учун йиғилиш макруҳ. Лекин киши ўзи уйда намоз ўқиши макруҳ саналмайди. Бу эса Шом аҳлининг имоми, фақиҳи ва олими Авзоъийдан ривоят қилинган. Ушбу сўз тўғрироқ ин шаа Аллоҳ». Сўзининг охирида: «Имом Аҳмаддан Шаъбон ойининг ярим кечаси ҳақида бирон-бир сўз маълум эмас. Ушбу кечани бедор ўтказишнинг мустаҳаблиги, байрам кечаларини бедор ўтказиш тўғрисидаги икки ривоятга асосланади. Бир ривоятда, бу кечаларни жамоат бўлиб ўтказишни мустаҳаб санамаган, чунки бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда саҳобаларидан бирон нарса нақл қилинмаган. Иккинчи ривоятда эса, тобеинлардан бири Абдураҳмон ибн Язид ибн Асвад бажаргани

учун буни жоиз деган. Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечасини бедор ўтказиш ҳам Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда саҳобаларидан событ бўлмаган, лекин бу ҳақда Шом аҳли фақиҳларининг бир нечта тобеинларидан ривоят қилинган».

Ҳофиз Ибн Ражаб раҳмаҳуллоҳ сўзининг мақсад қилинган ўрни тугади. Унда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда асҳобларидан Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси хақида ҳеч нарса событ бўлмагани ҳақида очиқ ойдин айтилган.

Энди имом Авзойй ва Ҳофиз Ибн Ражаб раҳимаҳумаллоҳнинг бу сўзни танлашларига келсак, бу ғариб ва заифдир. Чунки ҳар қандай нарса шариат далиллари билан машруълиги исботланмаган бўлса, мусулмон учун уни динда янги нарса қилиб киритиши жоиз эмас. Бу амални хоҳ якка ҳолда қилсин, хоҳ жамоат билан, яширин ҳолда амалга оширсин ёки ошкора – фарқи йўқ. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўzlари умумий маънода айтилган: **«Ким бизнинг ишимизда бўлмаган бир амални қилса, у рад қилинади»**. Бидъатларни инкор қилган ва улардан огоҳлантирган бошқа далиллар ҳам шунга далолат қиласди.

Имом Абу Бакр Тартуший раҳимаҳуллоҳ «Ҳаводис ва бидаъ» китобида айтади:

«Ибн Ваддоҳ Зайд ибн Асламдан шундай деган сўзини ривоят қиласи: «На шайхларимиз ва на фуқаҳоларимиз Шаъбоннинг ўн бешинчи кечасига эътибор берганларини кўрмадик. Улар Макхулнинг хадисига эътибор бермасдилар ва бошқа кунлардан афзал ўлароқ кўрмас эдилар»

Ибн Абу Мулайкага: «Зиёд Намирий: «Шаъбоннинг ўн бешинчи кечасининг ажри Лайлутул қадр кечасининг ажри каби», деб айтмоқда», – дейилди. Шунда: «Агар шундай деганини эшитсан ва қўлимда таёқ бўлиб қолса, урадим», – деди. Зиёд қиссачи эди. Мақсад қилинган ўрни тугади.

Аллома Шавконий раҳимаҳуллоҳ «Фавоидул мажмуъя» китобида шундай деган:

«Ҳадис: «Ё Али, ким Шаъбон ойининг ярим кечасида юз ракат намоз ўқиса, ҳар бир ракъатда Фотиҳа сурасини ва «Қул хува Аллоҳу аҳад» сурасини ўн марта ўқиса, Аллоҳ унинг ҳар бир ҳожатини адо этади» ва ҳоказо.... Бу ҳадис мавзуъ (тўқима) бўлиб, унинг лафзларида амал қилувчи одам эришадиган ажр ҳақидаги сўзлар борки, буни фаросатли киши сохта эканлигидан шубҳаланмайди. Унинг ривоят қилувчилари

номаълум шахслар. Бу ҳадис икки уч хил йўллар орқали ҳам ривоят қилинган, уларнинг барчаси сохта бўлиб, ровийлари номаълум. «Ал-Мухтасар» китобида: «Шаъбоннинг ярим кечасида ўқиладиган намоз ҳақидаги ҳадис ботилдир», деб айтилган. Ибн Ҳибbon Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Шаъбоннинг ярим кечаси бўлса, унинг кечасида ибодат қилинг ва кунида рўза тутинг», бу ҳадис ҳам заифdir. «Ал-Лаоли» китобида: «Шаъбоннинг ярим кечасида юз ракат намоз ўқиб, ҳар бир ракатда ўн марта «Ихлос» сурасини ўқиш ҳақидаги ҳадис, Дайламий ва бошқалар томонидан қўп фазилатлари билан ривоят қилинган, лекин у тўқима. Унинг учала санадидаги ровийларининг аксари номаълум ва заиф. Шунингдек, «Ўн икки ракатда ўттиз марта «Ихлос» сурасини ўқиш» ҳақидаги ҳадис ҳам тўқима «Ўн тўрт ракат» ҳақидаги ҳадис ҳам тўқима», – деган.

Бу ҳадисга фақиҳлардан, масалан, «Ихё» китобининг муаллифи ва бошқа баъзи муфассирлар алданганлар. Шаъбон ойининг ярим кечасида ўқиладиган намоз ҳақида турли ривоятлар келтирилган бўлиб, уларнинг барчаси сохта ва тўқилган. Бу ҳолат имом Термизийнинг Оиша розияллоҳу анҳодан

ривоят қилган ҳадисини, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Бақий қабристонига боргани, шу кечада Рабб таолонинг дунё осмонига тушиши ва Калб қабиласи қўйларининг жунидан ҳам қўпроқ кишиларнинг гуноҳларини мағфират қилишини инкор этмайди. Чунки гап айнан шу кечадаги тўқима намоз ҳақида кетмоқда. Шуни айтиш керакки, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ушбу ҳадис заиф ва санади узилган. Ҳудди шундай, ушбу кечани ибодат билан ўтказиш ҳақида Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис ҳам бу намознинг тўқима эканлигини инкор этмайди. Бу ҳадис ҳам заиф эканлиги ҳақида юқорида баён қилинган» – деб, мақсад якунланди.

Ҳофиз Ироқий: «Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечасида ўқиладиган намознинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат берилиши ёлғон ва тўқима», деганлар. Имом Нававий «Мажмуъ» китобида: Ражаб ойининг биринчи жумасида шом ва ҳуфтон намозлари орасида ўқиладиган Рағоиб номи билан машҳур ўн икки ракат намоз ҳам, Шаъбон ойининг ярмида ўқиладиган тунги юз ракат намоз ҳам мункар ва бидъатdir! «Қувтул қулуб» ва «Иҳёу улумид дин» китоблари ва унда

зикр қилинган ҳадислар билан одам алданиб қолмаслиги керак. Буларнинг барчаси ботил. Баъзи уламоларнинг наздида иккисининг хукми ноаниқ бўлиб мустаҳаблиги ҳақида бироз саҳифалар ёзган бўлса-да, унга алданиб қолмаслиги керак, чунки улар бу борада хато қилган», – деб айтган.

Шайх, имом Абу Мұҳаммад Абдураҳмон ибн Исмоил Мақдисий бу икки намознинг ботиллиги ҳақида нафис китоб ёзган. Китобни жуда яхши ва чиройли ёзган. Бу масалада аҳли илмларнинг сўзлари жуда кўп. Агар бу масалага оид ўқиган барча сўзларни нақл қилганимизда сўзимиз чўзилиб кетар эди. Зикр қилган нақлларимиз хақ талаб қилувчи учун етарли деб умид қиласиз.

Зикр қилинган оятлар, ҳадислар ва аҳли илмларнинг сўзларидан хақ талаб қилувчига баён бўладики, Шаъbon ойининг ярмидаги тунни намоз билан, кунни рўза билан хослаш кўп аҳли илмлар наздида мункар, бидъатдир. Пок шариатимизда унинг асоси йўқ. Аксинча, у саҳобалар асридан кейин содир бўлган ишлардан. Хақни талаб қилган инсон учун бу ва бошқа бобларда Аллоҳ таолонинг:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ﴾

**«Бугун сизларга динингизни комил қилиб бердим», – деган сўзи кифоя. [Моида: 3]**

Ва шу маънодаги бошқа оятлар билан бирга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган (янги) нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир», –деган сўzlари ва шу маънодаги бошқа ҳадислар етарли.

Саҳих Муслимда Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жума кечасини бошқа кечалар орасидан тунги ибодат билан хослаб олманглар! Жума кунини бошқа кунлар орасидан рўза тутиш учун хослаб олманглар! Аммо бирортангизнинг тутиб юрган рўзаси бўлса, бундан мустасно», дедилар.

Агар бирор тунни бирор ибодат билан хослаш мумкин бўлганда, жума кечаси бошқалардан авлороқ бўлар эди. Чунки унинг кундузи қуёши чиққан кунларнинг энг яхшиси экани саҳих ҳадислар билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуманинг тунини намоз билан хослашдан қайтарғанларидан кейин, бошқа тунларни хослаш мумкин эмаслиги авлороқ. Шунинг учун, хослаш ҳақида саҳих далил келмагунча

бирор кечани ибодат билан хослаш мумкин эмас.

Лайлатул қадр ва рамазон кечалари намоз ўқиши ва ибодатда тиришиш машруъ бўлгани учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни огоҳлантиридилар, унга ундалилар ва ўзлари ҳам бажардилар. Саҳиҳайнда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлганки: «Ким Рамазон кечасини иймон ва ажр умидида қоим ўтказса, унинг барча ўтган гуноҳлари кечирилади. Ким лайлатул қадр кечасини иймон ва ажр умидида қоим ўтказса, унинг барча ўтган гуноҳлари кечирилади», дедилар.

Шаъбоннинг ярмидаги тун, Ражаб ойининг биринчи жумасидаги тун ҳамда Исро ва меърож кечасини нишонлаш ёки бирор ибодат билан хослаш машруъ бўлганда, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини бунга йўллаган ва ўзлари қилган бўлар эдилар. Агар булардан бирортаси содир бўлганда саҳобалар яширмасдан бизга нақл қилган бўлар эдилар. Чунки улар анбиёлардан кейинги энг яхши ва энг насиҳатгўй одамлар. Аллоҳ таоло Расулуллоҳнинг асҳобларидан рози бўлсин ва уларни рози қилсин.

Юқорида зикр қилинган уламолар сўзларидан маълум бўладики, Ражаб ойининг биринчи жумаси, Шаъбон ойининг ярмидаги тунни нишонлаш ёки бирор ибодат билан хослаш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва асҳобларидан событ бўлмаган. Шундай қилиб уларни нишонлаш Исломдаги янги бидъатлардан ва ибодат билан хослаш мункар бидъатлардан экани маълум бўлади. Баъзи одамлар Исро ва меъроj кечаси деб ўйлайдиган Ражаб ойининг йигирма еттинчи кечаси ҳам шулар жумласидан. Зикр қилинган дадиллар сабабли бирор ибодат билан хослаш ёки нишонлаш мумкин эмас. Бу ҳам қайси кеча эканлиги маълум бўлса. Энди қайси кеча экани номаълум бўлсачи?! Уламолар сўзлари ичидаги тўғрироқ сўз, у қайси кеча экани номаълумдир. Ражаб ойининг йигирма еттинчи кечаси дейилган сўз эса ботил сўз. Унга сахиҳ хадислардан асос йўқ.

Ишларнинг энг яхшиси ҳидоятга эргашмоқ,  
Уларнинг энг ёмони динда бидъат яратмоқ.

Аллоҳ таоло бизни ва барча мусулмонларни суннатга, унда событ туришга, унга хилоф

келадиган нарсадан ҳазар қилишга тавфик берсин. У Зот саҳий ва каримдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммадга ва У кишининг аҳли аёлларига ва асҳобларига Аллоҳ таолонинг саломи ва салавоти бўлсин.

## Тўртинчи рисола

### Муҳим огоҳлантириш:

**Мадинаи Мунавварада Масжиди  
Набавийнинг хизматкори бўлмиш Шайх  
Аҳмад номидан тўқилган васият ёлғон  
эканлиги ҳақида.**

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боздан барча мусулмонларга. Аллоҳ уларни ҳам бизни ҳам Ислом билан муҳофаза қилсин ва жоҳил ва аҳмоқларнинг ёлғонларидан асрасин, омин!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху.

Аммо баъд: Мадинаи Мунавварада Набавий масжидининг хизматкори шайх Аҳмадга нисбат берилган «Мадинаи Мунавварада Масжиди Набавийнинг хизматкори бўлмиш Шайх Аҳмад васияти» номли рисолани ўқиб чиқдим. Унда:

«Жума кечаси Қуръон тиловат қилиб, Аллоҳнинг гўзал исмларини ўқиб чиқдим. Буларни адo этиб бўлганимдан сўнг уйқуга тайёрландим. Шунда мени қўркам нурли бўлган, Қуръоний оятларни ва олий ҳукмларни инсониятга раҳмат қилиб келтирган зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни

кўрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга шундай дедилар: «Эй шайх Аҳмад!» Мен: «Лаббайка, ё Расулуллоҳ, эй Аллоҳнинг энг шарафли бандаси», - дедим. Шунда У зот: «Мен одамларнинг ёмон ишларидан хижолатдаман ва Раббимга ҳам, фаришталарга ҳам юзлана олмаяпман. Чунки жума кунидан жума кунигача 160 минг киши Ислом динисиз ўлди», дедилар. Кейин У зот одамлар орасида содир бўлган баъзи гуноҳлар ҳақида сўзладилар. Шундан сўнг дедилар: «Бу васият улар учун Азиз ва Жаббор бўлган Зотнинг раҳмати билан нозил қилинди». Кейин у зот Қиёматнинг баъзи аломатлари ҳақида айтиб ўтдилар ва: «Эй шайх Аҳмад, одамларга бу васиятни етказинг, чунки у Лавҳул-Маҳфузда тақдир қалами билан битилган. Уни ёзиб, бир шаҳардан бошқа шаҳарга, бир макондан бошқа маконга юборган одам учун жаннатда қаср қурилади. Ким уни ёзмаса ва тарқатмаса, Қиёмат куни менинг шафоатимдан маҳрум бўлади. Ким уни ёзса, қашшоқ бўлса, Аллоҳ уни бой қиласи. Қарздор бўлса, Аллоҳ унинг қарзини адо қиласи. Гуноҳкор бўлса, Аллоҳ унинг ва ота-онасининг гуноҳларини кечиради. Кимки Аллоҳнинг бандаларидан бўлиб уни ёзмаса, дунё ва охиратда юзи қора бўлади», -

дедилар. У: «Уч марта Аллоҳга қасамки, бу ҳақиқатдир. Агар мен сўзимда ёлғончи бўлсам, Исломсиз ҳолда дунёни тарк этаман. Кимки бунга ишонса, дўзах азобидан қутулади. Кимки ёлғон деб ҳисобласа, кофир бўлади», – деди.

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўқилган васиятнинг хулосаси. Дарҳақиқат, бу ёлғон васиятни бир неча йилдан бери бир неча бор эшитдик. Одамлар орасида ора-орада тарқалиб турди. Кўплаб омма орасида тарқатилинади. Лафзлари ҳар хил. Бу ёлғонни тўқиб олган кимса тушида Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб, ушбу васиятни У зотдан юклатилганини даъво қилмоқда. Биз сизнинг эътиборингизга ҳавола қилган сўнгги нашрида эса, бу ёлғончи Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни ухлашга ҳозирланаётганида кўрганини даъво қилди. Демак, бу ҳолатда У зотни уйғоқ ҳолда кўрганини даъво қилмоқда!

Бу ёлғончи ушбу васиятда кўплаб даъволарни қилган. Бу даъволар эса энг очиқ ёлғон ва энг равshan ботилдир. Бу ҳақида иншааллоҳ яқинда сизга тўлиқ маълумот бераман. Илгари ҳам бу ҳақда огоҳлантириб, одамларга унинг энг очиқ ёлғон ва энг равshan ботил эканини тушунтирганман. Бу сўнгги

нашрни кўриб чиққанимдан кейин ёзиш ёки ёзмаслик борасида иккиландим. Чунки унинг ёлғонлиги аён эди ва унинг тузувчиси ёлғонга жуда катта жасорат қилган эди. Мен унинг ёлғонлиги ҳеч бўлмагандан озгина идрок ёки соф фитратга эга бўлган одамларга таъсир қиласи деб ўйламаган эдим. Аммо кўпгина биродарлар менга ушбу гап кўпчилик орасида тарқалиб, уларнинг ўзаро муҳокамасида бўлганини ва баъзилар уни тасдиқлаганини айтишди. Шунинг учун мен каби кишилар бундай масалалар ҳақида ёзишлари лозим деб билдим. Бундан мақсад унинг ботиллигини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тухмат эканлигини очиб беришдир. Илм ва иймон соҳибларидан ёки тўғри фитрат ва соғлом ақл эгаларидан бўлган инсонлар бу рисолани диққат билан ўрганса, унинг бир неча жиҳатдан ёлғон ва тухмат эканини англайди.

Тухмат нисбат берилган шайх Аҳмаднинг баъзи қариндошларидан бу васият ҳақида сўрадим. Шунда улар: «Шайх Аҳмадга нисбат берилган бу хабар ёлғон ва шайх у сўзларни асло айтмаган», – деб жавоб бердилар. Зикр қилинган шайх Аҳмад бир қанча муддат олдин вафот этган. Шайх Аҳмад ёки ундан каттароқ бўлган бирорта Набий соллаллоҳу алайҳи ва

салламни тушида ёки ўнгидага кўрган ва ушбу нарсаларни васият қилган деб тасавур қилсак, бу бир неча жиҳатдан аниқ ёлғон ёки бу сўзларни унга Расулуллоҳ эмас шайтон айтган дер эдик.

Биринчи жиҳат: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан кейин кўринмайдилар. Жоҳил суфийлардан қайси бири Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўнгидага кўраётгани, мавлидга қатнашишлари ёки шу кабиларни даъво қилса, энг жирканч хато қилган, одамларни қаттиқ алдаган ва улкан хатога йўл қўйган бўлади. Бу билан Қуръон ва Суннатга ҳамда уламоларнинг ижмоларига хилоф қилган бўлади. Чунки ўликлар бу дунёда эмас фақат Қиёмат куни қабрларидан чиқадилар. Ким бунга тескари нарсани даъво қилса, очиқ-ойдин ёлғончи ёки алданган хатокордир. Салафи солиҳлар билган ҳақиқатни билмаган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ҳамда уларга яхшилик билан эргашганлар йўлига эргашмаган бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

(ثُمَّ إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمْ يَئِنُوْنَ 15 ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تُبْعَثُونَ)

«Сўнгра, албатта, сизлар бундан кейин ўлгувчисизлар. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат

**куни қайта тирилтирилурсизлар».** [Мўминун: 15, 16]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Қабри энг биринчи ёриладиган одам менман. Энг биринчи шафоатчиман ва шафоати қабул қилинадиганларнинг биринчисиман».

Бу маънодаги оят ва ҳадислар кўп.

Иккинчи жиҳат: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хақиқатга тескари нарсани айтмайдилар. Тирикликларида ҳам, вафот этганларидан кейин ҳам. Бу васият эса, бир неча жиҳатдан У зотнинг шариатларига очиқ-ойдин қаршидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни инсон тушидан кўриши мумкин. Ўзларининг шарафли сўратларида кўрган инсон хақиқатан У зотни кўрган бўлади. Чунки ҳадиси шарифда келгани каби шайтон У зотнинг суратларига кира олмайди. Лекин барча иш кўрган кишининг иймони, содиқлиги,adolати, диёнати ва омонатида. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўз суратларида кўрдими ёки бошқа суратдами?!

Агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис келган бўлса, лекин у ишончли, одил ва хотираси мустаҳкам ровийлар орқали етказилмаган бўлса унга

таянилмайди ва ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. Агар у ишончли ва хотираси мустаҳкам ровийлар орқали етказилган бўлсан ю, лекин улардан ҳам яхшироқ хотираға ва ишончга эга бўлган ровийларнинг ривоятига қарши келса ва бу икки ривоятни бир-бирига мослаштириш мумкин бўлмаса, унда улардан бири насх қилинган (бекор қилинган) бўлиб, унга амал қилинмайди. Иккинчиси эса насх қилувчи (бекор қилувчи) бўлиб, унга амал қилинади. Агар ривоятларни бир-бирига мослаштириш ёки насх қилишни иложи бўлмаса, унда хотираси камроқ ва адолати пастроқ бўлган ровийнинг ривояти қабул қилинмайди ва у «шоз» ҳадис деб ҳисобланиб, унга амал қилинмайди.

Шундай экан, агар бир васиятни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат берувчи кишининг шахсияти маълум бўлмаса, унинг адолатлилиги ва омонатдорлиги номаълум бўлса, бундай васият рад этилиши ва унга эътибор берилмаслиги керак. Гарчи ичиди шариатга зид нарса бўлмаса ҳам. Энди, агар у васият кўплаб ботилларни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўқилган ёлғонларни ва Аллоҳ изн бермаган янги

ташириъларни ичига олган бўлса қандай уни қабул қилиш мумкин?

Ахир Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким мен айтмаган нарсани айтди деса, жойини дўзахдан тайёрлаб қўйсин!», деганлар. Бу ёлғончи эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтмаган нарсани "Айтди", деяпти ва У зотга очиқ-оидин хатарли ёлғон тўқимоқда. Агар тавба қилиб олмаса ва одамларга бу васият ёлғон эканини айтмаса, бу улкан таҳдидга лойик бўлади. Чунки одамлар орасида ботилни тарқатиб ёлғонини динга нисбат берган инсон, ўзини ёлғончига чиқариб, ёлғонидан қайтганини одамларга эълон қилмагунча тавбаси қабул бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَئِكَ يُلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيُلْعَنُهُمُ الْلَاعُونَ 159 إِلَّا الَّذِينَ تَبُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُوا فَأُولَئِكَ أَنُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَابُ الرَّاجِيمُ﴾

«Албатта, Биз нозил қилган равшан оятларни ва ҳидоятни одамларга китобда баён қилиб берганимиздан кейин беркитганларни — ўшаларни Аллоҳ лаънатлайдир. Ва лаънатловчилар лаънатлайдир. Магар тавба қилиб, аҳли солиҳ бўлиб, баён қилганларнинг, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилурман. Ва Мен тавбаларни кўплаб қабул қилувчи ва раҳимлидирман». [Бақара: 159-160]

Аллоҳ таоло бу ояти каримада ким бирорта ҳақни яширган бўлса, уни баён қилиб ислоҳ қилмагунча тавбаси қабул бўлмаслигини баён қилмоқда. Аллоҳ таоло бандаларига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиб юбориш ва У зотга комил шариатни ваҳий қилиш билан неъматини тўлиқ ва динини комил қилиб берди. У зот бу динни тўлиқ баёнлаб етказмагунларигача вафот этмадилар. Аллоҳ таоло айтади:

(الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَنْمَطْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا)

«Бугун Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим». [Моида: 3]

Бу ёлғончи ўн тўртинчи асрда келиб, одамларга янги динни кийдирмоқчи бўлмоқда. Инсон унинг динига амал қилиш ёки қилмасликка қараб жаннатга кириширмаслиги ҳамда унинг "шариатига" бўйсунмаганлар жаҳаннамга киришини даъво қилмоқда. Бу ёлғончи ўзининг ёлғон васиятини Куръони каримдан ҳам улуғ ва афзалроқ қилмоқчи. Чунки унда шундай деб ёзган: «Ким уни ёзиб бошқа шаҳарга ёки бошқа маҳаллага юборса жаннатда унга уй қурилади, ким ёзмаса

ва бошқа ерларга юбормаса, Қиёмат куни Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шафоатларидан маҳрум бўлади». Бу эса ўта хунук ёлғон ва ёлғонлигига далолат қилувчи энг катта далиллардан биридир. Буни тўқиган кишининг ҳаёси йўқлиги ва ёлғон гапиришдаги жуда катта журъатидан дарак беради. Чунки бирор киши Қуръонни ёзса ва уни бир шаҳардан бошқа шаҳарга қўчирса ёки бир жойдан бошқа жойга юборса ва Қуръонга амал қилмаса, бу фазилатга эриша олмайди. Қандай қилиб, энди, бу уйдирмани ёзган ва уни бир шаҳардан бошқа шаҳарга тарқатган одам шундай улуғ фазилатга эришиши мумкин?! Ким Қуръонни ёзмаган ва бирор шаҳарга юбормаган бўлса ҳам, аммо, Набий соллаллоху алайҳи ва салламга иймон келтирас ва шариатига эргашар экан, Аллоҳнинг изни билан У кишининг шафоатларидан маҳрум бўлмайди. Зикр қилинган битта тўқима ёлғонининг ўзи бунинг ботиллиги ва ёзувчисининг ёлғончилиги, ахмоқлиги ҳамда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келган ҳидоятдан қанчалик узоқлигига далил бўлади.

Бу васиятда зикр қилинган нарсалардан ташқари яна бошқа ишлар ҳам борки, уларнинг ҳаммаси бу васиятнинг ботил ва ёлғонлигига

далолат қиласи. Агар уни тўқиб олган кимса ёлғонининг ҳақлигини исботлаш учун минг марта ёки ундан ҳам кўпроқ қасам ичса ҳам, агар ростгўй бўлмаса ўзини энг қаттиқ азоб ва жазоларга дучор этишни сўраса ҳам, у ростгўй бўла олмайди ва бу васият ҳақиқатга айланмайди. Аксинча, Аллоҳга қасамки сўнгра яна қасамки, у энг катта ва энг жирканч ёлғонлардан биридир. Биз бунга Аллоҳни, бизнинг олдимиздаги фаришталарни ва ушбу рисоламизни мутолаа қилган барча мусулмонларни ҳам гувоҳ қиламизки, бу васият Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат қилинган ёлғон ва бўхтондир. Аллоҳ бу ёлғонни тўқиб олганларни хор қилсин ва ўзларига муносиб жазо берсин.

Зикр қилганларимиздан ташқари яна унинг ёлғонлигига кўплаган ишлар далолат қиласи:

Улардан биринчиси: «Чунки ўтган жумадан бу жумагача бир юз олтмиш минг киши Ислом динига кирмай ўлди», деган сўзи. Чунки бу ғайб илмидан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан кейин ваҳий тўхтаган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзига кўра тирикликларида ғайбни билмас эдилар. Вафот

этганларидан сўнг қандай билсинлар?! У Зот айтади:

﴿فَلَمْ يَأْتُكُمْ عِنْدُكُمْ خَرَائِنُ اللَّهِ وَلَا أَعْلَمُ الْغَيْبَ﴾

«Сиз: «Сизларга, ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор, демайман. Файбни биламан ҳам, демайман», – деб айтинг». [Анъом: 50]

Ва бошқа оятдаги:

﴿فَلَمْ يَعْلَمْ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ إِلَّا اللَّهُ﴾

«Сиз: «Осмонлару ерда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмас», деб айтинг». [Намл: 65]

Шу билан бирга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган саҳиҳ ҳадисда: «Қиёмат куни кишилар ҳовузимдан ҳайдаладилар. Шунда: «Ё Рабб! Асҳобларим, асҳобларим», –дейман. Шунда: «Сендан кейин нималарни пайдо қилганини билмайсан», – дейилади. Шунда солиҳ банда айтгандай: «Ва модомики ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим. Мени Ўзингга олганингдан сўнг, Сенинг Ўзинг уларга қузатувчи бўлдинг. Зотан, сен ҳар бир нарсага гувоҳсан», – деб айтаман», – дедилар. [Моида: 117]

Бу васиятнинг ботил ва ёлғонлигига далолат қилувчи нарсалардан яна бири: «Ким уни ёзса, бу васиятнинг баракаси билан Аллоҳ уни камбағал бўлса, бой қилади. Қарзи бўлса, қарзини ўтайди. Унинг ва ота-онасининг бирор

гұноҳи бўлса кечиради...» деган жумла. Бу ҳам энг катта ёлғон. Бу тўқимачининг ёлғончи ҳамда Аллоҳ ва бандаларидан ҳаё қиласлигига далилдир. Чунки бу ишлар ҳаттоки Қуръони каримни ёзиб қўйиш билан ҳам ҳосил бўлмайди. Энди бу ботил васиятни ёзиш билан қандай ҳосил бўлсин?! "Одамлар бу ёлғон даъвога ишонсинлар, ёзсинлар, Аллоҳнинг бандаларига тузиб берган шариатини тарк қиласинлар", дея одамларни ёлғонига ишонтирмоқчи бўлмоқда. Ҳаттоки, васиятни бойликка етказувчи, қарзларни узувчи ва гуноҳларни кечирилишига олиб борувчи қилиб қўйди. Аллоҳдан хижолат ва мағлубият сабаблари, нафс ҳавоси ва шайтонга бўйсунишдан паноҳ тилаймиз.

Бу васиятнинг ботиллигига далолат қилувчи ишларнинг учинчиси: «Қайси банда ёзмаса, дунё ва охиратда юзи қора бўлур». Бу ҳам энг ёмон ёлғонлардан бири бўлиб, мазкур васиятнинг ботиллиги ва унинг тўқиб чиқарилганини кўрсатувчи очиқ-ойдин далиллардан бўлиб саналади. Қандай қилиб ақлли одам ўн тўртинчи асрда яшаган номаълум бир шахс томонидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам номидан тўқиб чиқарилган бу васиятни ёзиши мумкин?

Қандай қилиб уни ёзмаган кишининг дунё ва охиратда юзи қора бўлиши, уни ёзганинг эса қашшоқликдан кейин бой бўлиши, қарзларидан халос бўлиши ва қилган гуноҳлари мағфират қилиниши даъво қилинади?!

Субҳаналлоҳ! Бу буюк тухматдир! Далиллар ҳам, воқеълик ҳам бу даъволарни тўқима экани ва уни тўқиб чиқарган кишининг Аллоҳга қарши жуда катта журъат қилгани ва Аллоҳдан ҳам, одамлардан ҳам уялмаслигини исботлайди. Қанча-қанча умматлар борки, улар бу васиятни ёзмаганлар, аммо юzlари қора бўлган эмас. Шунингдек, сонини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган қанчалаган одамлар бу васиятни бир неча марта ёзганлар, аммо уларнинг қарзлари тўланмаган, қашшоқликлари ҳам кетмаган. Қалбларнинг оғишидан ва уларни гуноҳ қоплашидан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз. Бунга ўхшаш фазилат ва мукофотлар шариатда энг афзал ва улуғ китоб бўлмиш Қуръони Каримни ёзганлар учун ҳам ваъда қилинмаган. Бас, қандай қилиб турли ботил ва куфрга асосланган тўқима васиятни ёзганлар учун бундай фазилатлар бўлиши мумкин? Субҳаналлоҳ! Унга қарши ёлғон тўқиб чиқарганларга нисбатан ҳам У Зот қанчалар юмшоқдир!

Тўртинчи масала: ушбу васиятнинг ботил ва ёлғон эканлигини қўрсатувчи энг муҳим ишлардан бири «Ким унга ишонса, дўзах азобидан қутулади, кимки ишонмаса, кофир бўлади», деб айтилганидир. Бу ҳам ёлғонга нисбатан энг катта журъат ва энг хунук ботилдир. Бу тўқима васиятнинг муаллифи барча инсонларни унинг ёлғонига ишонишга чақириб, бу васият орқали улар дўзах азобидан қутулишларини ҳамда унга ишонмаганлар эса кофир бўлишларини даъво қилмоқда. Аллоҳга қасамки, бу ёлғончи Аллоҳга нисбатан энг катта ёлғон тўқимоқда ва ҳақиқатга мутлақо зид гапирмоқда. Аслида, унга ишонмаган эмас, аксинча, ишонган киши кофир бўлишга лойиқдир. Чунки бу ёлғон, ботил ва асло ҳақиқатга асосланмаган тўқимадир. Биз Аллоҳни гувоҳ қилиб айтамизки, бу васият ёлғон ва уни тўқиб чиқарган киши ёлғончидир. У одамларга Аллоҳ изн бермаган нарсаларни динга қўшишни ва динларига тегишли бўлмаган нарсаларни киритишни истамоқда. Аллоҳ эса бу уммат учун динини бу ёлғон тўқилишидан ўн тўрт аср аввал тўкис ва комил қилиб кўйган.

Эй китобхонлар ва биродарлар! Хушёр бўлинглар! Бундай тўқималарга ишонишдан ва

уларни ораларингизда тарқалишидан эҳтиёт бўлинглар. Шуни билингки, ҳақиқатда доимо нур бўлади ва ҳақиқатни истаган киши уни танимай қолмайди. Ҳақиқатни унинг далили билан қидиринглар ва тушунмаган нарсаларингиз ҳақида уламолардан сўранглар. Ёлғончиларнинг қасамларига алданманглар, чунки лаънатланган Иблис ҳам ота-онангиз Одам алайҳиссалом ва Ҳавога, уларга насиҳатгўй эканини айтган ҳолда қасам ичган эди. Аслида эса, у энг катта хиёнаткор ва ёлғончи эди. Аллоҳ унинг бу ҳийласини «Аъроф» сурасида шундай баён қилган:

(وَقَاسَمَهُمَا إِنِّي لَكُمَا لَمِنَ النَّاصِحِينَ)

«Уларга: «Албатта, мен сизларга насиҳат қилувчиларданман», – деб қасам ичди». [Аъроф: 21]

Шунинг учун шайтон ва унинг ёлғон тўқувчи издошларидан эҳтиёт бўлинглар. Шайтон ва унга эргашганларнинг қанча-қанча ёлғон қасамлари, хиёнатли аҳдолари ва одамларни йўлдан уриш ва адаштириш учун безалган қасамлари бор! Аллоҳ мени, сизларни ва барча мусулмонларни шайтонларнинг ёвузлигидан, адаштирувчиларнинг фитналаридан, қалби оғланларнинг оғдиришидан ва Аллоҳнинг душманлари бўлган ботил кимсаларнинг

макрларидан сақласин! Улар Аллоҳнинг нурини ўз оғизлари билан ўчиришни ва одамларнинг динларини бузишни хоҳлайдилар. Аммо Аллоҳ ўз нурини тўқис қиласди ва динини ғалаба билан нусрат этади, гарчи Аллоҳ душманлари — шайтонлар ва уларнинг кофир ҳамда мулҳид издошлири буни ёқтирумасалар ҳам.

Ушбу тўқимачи томонидан маъсиятларнинг кўпайгани ҳақида айтилган гапларга келсак, бу ҳақиқатда мавжуд ҳолатдир. Қуръони карим ва Суннат бундай ишлардан қаттиқ огоҳлантирган. У иккаласида етарли даражада ҳидоят ва насиҳат бор. Биз Аллоҳдан мусулмонларнинг ҳолини ислоҳ қилишини, уларга ҳақ йўлга эргашиш, унда барқарор туриш ва барча гуноҳлардан тавба қилиш неъматини беришини сўраймиз. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, раҳмли ва ҳар нарсага қодир Зотdir.

Қиёмат аломатлари ҳақида айтилган гапларга келсак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида қиёматнинг аломатлари батафсил баён қилинган. Қуръони карим ҳам айрим аломатларга ишора қилган. Ким буни билишни хоҳласа, суннат китоблари ҳамда илм ва иймон аҳлининг асарларидан топади. Одамлар бу каби тўқимачи ва унинг

ҳақиқатни ботилга аралаштириб, одамларни адаштиришга уринишларига мұхтож әмас. Бизга Аллоҳ кифоя қиласы да У қандай ҳам яхши вакил! Улуғ ва Олий Аллоҳдан бошқада на күч да на ҳолатни ўзгартиришга қувват бор.

Ҳамду санолар оламлар Рабби Аллоҳға бўлсин! Унинг содиқ ва ишончли Расули, аҳли байти, саҳобалари ва қиёмат кунигача яхшиликда уларга эргашувчиларга салавот ва саломлар бўлсин.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

## Қабрларнинг устига масжид қуришдан огоҳлантириш

«Каҳф асҳобларининг ўрнига масжид қуриш жоизми», – деб сўралдим.

Сўнгра шундай дея жавоб бердим: «Бисмиллаҳ, Аллоҳ таолога ҳамд ва Расулуллоҳга Аллоҳнинг саломи ва салавоти бўлсин.

Аммо баъд: Исломий илмлар уюшмаси журналининг учинчи сондаги (Ой ичидағи мусулмонлар хабарлари) бўлимида чоп этилган хабарларни ўқиб чиқдим. Унда шундай дейилган: «Исломий илмлар уюшмаси Иордания Ҳошимийлар Қироллигида яқинда топилган Раҳиб қишлоғидаги ғор устида масжид қуришни режалаштироқда. Бу ғор «Куръони каримда зикр қилинган Каҳф аҳлининг ухлаган жойи», деб айтилади», деб якунланган.

Аллоҳга ва Унинг бандаларига насиҳат қилиш бобидан, Иордания Ҳошимийлар Қироллигидаги Исломий Фанлар Уюшмасига ушбу журналда бир мурожаат йўллашни лозим деб билдим. Мазкур мурожаатнинг мазмуни:

Уюшмани ўша маъруф ғор устида масжид қуриш ниятидан воз кечишига чақиришдир. Чунки пайғамбарлар, солиҳ кишилар ва уларнинг қабрлари устида масжидлар қуриш Ислом шариатида тақиқланган ва бу ишлардан қайтарилигандан. Бунинг сабаби, бундай ишлар ширкка олиб борувчи восита экани ва пайғамбарлар ҳамда солиҳларнинг ҳақларида ғулувга йўл очишидир. Шариат бундай иш қилувчиларни лаънатлаган. Ҳозирги кунда бўлаётган ҳодисалар шариат олиб келган нарсалар тўғрилигига гувоҳ, Аллоҳ томонидан эканига далил ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу динни Аллоҳдан олиб келганларига ва уни тўлиқ ҳолда етказганларига очиқ-ойдин хужжатдир. Кимки Ислом оламидаги ҳолатларни, зиёратгоҳлар устидаги масжидларни, уларни улуғлаш, безатиш ҳамда қозондиқлар тайинлаш каби ишлар сабабли содир бўлган ширк ва ғулувни диққат билан ўрганса, шубҳасиз, уларнинг ширкка олиб борувчи восита эканини тушунади. Ислом шариатининг бу ишлардан қайтариши ва уларни тақиқлаши унинг мукаммаллигини намоён қиласи.

Бу нарсада ворид бўлган ҳадислардан имом Бухорий ва имом Муслим раҳимаҳуллоҳлар

Оиша разияллоху анҳодан ривоят қилган ҳадисдир. Унда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ яҳудий ва насороларни лаънатласин, пайғамбарларининг қабрини масжид қилиб олишди!» деб, улар сингари иш қилишдан огоҳлантирар эдилар. Оиша разияллоху анҳо яна айтадилар: «Агар шу (сўзлари) бўлмаганида, У зотнинг қабрлари кўринадиган қилиб қўйилар эди. Бироқ унинг масжид қилиб олинишидан қўрқилди». Саҳиҳайнда Умму Салама ва Умму Ҳабиба разияллоху анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳабашистонда ичидатуратлар бор бир черков кўришганини айтишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ана ўшалар ораларида солиҳ киши бўлиб, у ўлса, қабри устига масжид қуришар ва унинг ичига ўша суратларни солишарди. Ана ўшалар Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида энг ёмон одамлардир», дедилар.

Саҳиҳи Муслимда Жундуб ибн Абдуллоҳ разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этишларидан беш кун олдин шундай деганларини эшитдим: «Мен Аллоҳга бирортангиз билан халил тутинмаслигимни айтаман. Аллоҳ таоло Иброҳимни халил

тутганидек, мени ҳам халил тутди. Агар умматимдан халил тутинасан, Абу бакр билан халил тутинган бўлар эдим. Билиб қўйинглар, сизлардан олдин ўтганлар пайғамбарлари ва солиҳларининг қабрларини масжид қилиб олишар эди. Ҳой! Қабрларни масжид қилиб олманглар! Мен сизларни бундан қайтараман!» Бу бобга оид хадислар кўп.

Ислом уламоларидан бўлган имомлар (тўрт мазҳаб ва бошқаларнинг барчаси) қабрлар устига масжид қуришдан қайтарганлар ва бундан огоҳлантирганлар. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатига амал қилиш, умматни яхудий ва насороларнинг ғулуви каби ғуловдан ҳамда уларга ўхшаган бу умматнинг адашганлари каби адashiшдан ҳимоя қилиш учун қилинган.

Иорданиядаги Исломий илмлар уюшмаси ва бошқа мусулмонлар суннатни маҳкам ушлаши, имомлар йўлидан юриши ҳамда Аллоҳ ва расули қайтарган ишдан қайтариши вожиб. Бандаларнинг салоҳияти, саодати ҳамда дунё ва охиратдаги нажоти шу ишда. Бу бобда баъзи одамлар Аллоҳ таолонинг қуийдаги сўзига боғланиб қолган:

(قَالَ الَّذِينَ غَلَبُوا عَلَىٰ أَمْرِهِمْ لَنَنْجِذَنَ عَلَيْهِمْ مَسْجِدًا)

«Ишларига ғолиб келганлар эса: «Уларнинг устларига, албатта, масжид қуриб олурмиз», дедилар». [Қаҳф: 21]

Бунга жавоб: Аллоҳ таоло ўша замондаги бошлиқлар ва султонлар шу сўзни айтгани ҳақида хабар берди. Улардан рози бўлиш ва ишларини мақуллаш бобидан эмас. Аксинча, ёмонлаш, айблаш ва ишларидан огоҳлантириш учун зикр қилди. Бу оят нозил бўлган ва тафсирини энг яхши билган инсон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлар устига масжид қуришдан қайтаришлари, ундан огоҳлантиришлари, бу ишни қилган инсонни айблаб, лаънатлашлари ҳам, Аллоҳ нинг наздида энг ёмон инсон дейишлари ҳам шунга далолат қиласди. Ҳақ талаб қилувчига шунинг ўзи кифоя қиласди.

Агар қабрлар устида масжидлар қуриш биздан олдинги умматларлар учун мумкин бўлган деб тасаввур қилсак ҳам, бизга бу борада уларга эргашиб жоиз эмас. Чунки бизнинг шариатимиз олдинги шариатларнинг барчасини (бекор қилувчи) насх қилувчидир. Бизнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарларнинг сўнгиси бўлиб, У зотнинг шариати тўлиқ ва умунийдир. Дарҳақиқат, У зот қабрлар устида масжидлар

қуришни бизга тақиқладилар. Шундай экан, У зотнинг бу кўрсатмалари га зид иш қилишимиз жоиз эмас. Биз У зотга эргашишимиз, келтирган шариатига амал қилишимиз ва унга зид бўлган барча олдинги шариатлар ва баъзилар наздида яхши деб ҳисобланган одатлардан воз кечишимиз лозим. Чунки Аллоҳнинг шариатидан тўлиқроқ шариат ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳидоятларидан яхшироқ ҳидоят йўқ.

Аллоҳга дуо қиласизки, биз ва бошқа мусулмонларга то Ўзига йўлиққинимизга қадар очиқ ва хуфёна бўлган сўз ва амалларимизда пайғамбаримизга эргашиб яшашимизни насиб қилсин ва динида сабит қилсин.

Аллоҳнинг бандаси ва Расули Муҳаммадга ва у кишининг оиласи, саҳобалари ҳамда қиёмат кунигача Унинг ҳидоятига эргашганларга салавот ва саломлар бўлсин!

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**

**«Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатидан чиқиши мумкин», деган даъвонинг куфр ва залолат эканини баён қилиш**

Оlamлар Рабби Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Пайғамбарларнинг энг охиргиси Муҳаммадга, У зотнинг аҳли-оилаларию асҳобларининг барчасига Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин.

Аммо баъд: «Яқин шарқ» газетасининг 5824-нашридаги мақолани ўқиб қолдим. 5/6/1415 ҳижрий санада ёзилган, ўзини Абдулфаттоҳ Ҳоик деб номлаган киши «Хато тушунча» деган ном остида мақола ёзибди.

Мақоланинг қисқача мазмуни шундай: У инсон Ислом динининг зарурат ила маълум бўлган илмларини, яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча инсониятга юборилган пайғамбар эканлигини, Қуръон, суннат ва ижмоъ билан собит бўлган ҳақиқатни инкор этган. Шунингдек, у Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашмаган, итоат қилмаган, аксинча, яхудий ёки насроний

бўлиб қолган киши ҳам ҳақ динда деб даъво қилган. Сўнгра бутун оламларнинг Рабби Аллоҳ таолонинг кофир ва осийлар учун жазо беришидаги ҳикматини ҳам ерга урган ва буни бехуда ишлар қаторига киргизган.

Шу билан бирга, у шаръий матнларни ўзгартириб, уларни нотўғри ўринларга қўйган. Ўз ҳавоий нафси хоҳлагандай уларни нотўғри тафсирлаган. Жоҳил кимсалар унинг гапи билан алданиши учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам рисолатларининг барча учун экани, рисолатлари ҳақида эшитган, аммо, У зотга эргашмаган инсон кофир бўлиши ҳамда Аллоҳ Ислом динидан бошқа динни қабул қиласлигига далолат қилувчи шаръий далиллардан юз ўгириган.

Бу қилмишлари очиқ-ойдин қуфр, Исломдан чиқиш ҳамда Аллоҳ ва расулини ёлғонга чиқаришdir. Илм ва иймон аҳли мақолани ўқибоқ бу нарсани англаб оладилар.

Мусулмонларнинг бошида турган инсоннинг вазифаси уни қозига олиб бориб, тавбага чақириши ва шариат қоидаларига кўра ҳукм чиқаришидир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатининг умумийлигини ва унга барча инсу жинлар итоат

қилишлари шарт эканини очиқ баён қилиб берган. Бу ҳақиқатни мусулмонлардан энг оддий билимга эга бўлган киши ҳам билади.

Аллоҳ таоло айтади:

(قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُخْرِي وَيُمْبِثُ فَأَمْتُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ الَّذِي أَمْمَى الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ وَأَنْتُمْ عَلَيْهِ تَهْتَدُونَ)

«Сиз: «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга, осмонлару ернинг мулки Уники бўлган, Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган ва тирилтириб ўлдирадиган Аллоҳнинг Пайғамбариридирман. Бас, Аллоҳга ҳамда Унинг калималарига иймон келтирадиган уммий пайғамбарига иймон келтиринг ва унга эргашинг, шоядки, ҳидоят топсангиз», - деб айтинг». [Аъроф: 158]

(وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْفُرْقَانُ لِأَنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَعْدَهُ

«Менга ушбу Қуръонни, унинг ила сизларни ва у етиб борганларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди». [Анъом: 19]

(قُلْ إِنْ كُنْتُ ثُجُبَوْنَ اللَّهَ فَأَتَبْعِيْنُنِي يُحِبِّبُكُمُ اللَّهُ وَيَعْفُزُ لَكُمْ دُنْوَبَكُمْ)

«Сиз: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир», деб айтинг». [Оли Имрон: 31]

(وَمَنْ يَتَنَعَّمْ عَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ)

«Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур». [Оли Имрон: 85]

(وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَةً لِلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا)

«Биз сизни барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юбордик». [Сабаъ: 28]

(وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ)

«Биз сизни оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик». [Анбиё: 107]

(وَقُلْ لِلَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْأَمْيَانَ أَسْلَمْتُمْ فَإِنْ أَسْلَمُوا فَقَدِ اهْتَدَوْا وَإِنْ تَوَلُّوا  
فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلَاغُ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعَبَادِ)

«Ва китоб берилганларга ва саводсизларга: «Исломга кирдингизми?» деб айтинг. Агар Исломга кирсалар, бас, батахқиқ, ҳидоят топдилар. Агар юз ўгирсалар, сизнинг зиммангизда етказиш, холос. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчиdir». [Оли Имрон: 20]

Яна Аллоҳ таоло айтадики:

(بَتَّارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا)

«Оламларга огоҳлантирувчи бўлиши учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот баракотли, улуғдир». [Фурқон: 1]

Имом Бухорий ва имом Муслим Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Аллоҳ таоло томонидан менга илгариги пайғамбарларнинг бирортасига ҳам ато қилинмаган бешта имтиёз ато қилинди: Душманларим қалбига бир ойлик масофада турганимдаёт, Аллоҳ томонидан қўрқинч солиниб, ғолиб этиламан. Ер юзи менга намозгоҳ қилинган ва сув йўқ бўлганда таҳорат воситаси қилингандир. Умматимнинг қайси бирига намоз вақти қаерда тўғри келиб қолса, ўша ерда ўқийверсин! Ўлжалар менга ҳалол қилингандир. Мендан аввалги ҳеч бир пайғамбарга ҳалол қилинмаган эди. Менга шафоат қилишлик хуқуқи берилди. Илгариги ҳар бир пайғамбар фақат ўз қавмига пайғамбар қилиб юборилган эди. Мен эса одамларнинг ҳаммасига пайғамбар қилиб юборилдим», - деганлар.

Бу оят ва ҳадислар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолати барча инсоният учун умумий ва тўлиқ эканини баёнламоқда. Шу билан бирга У зотнинг шариатлари олдинги барча шариатларни насх қилгани, энди ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашмаса ҳамда итоат этмаса, кофир ва осий бўлиб, жазога лойиқ

бўлишини баёнлаб бермоқда. Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ مِنَ الْأَحْرَارِ فَالنَّارُ مَوْعِدُهُمْ)

«Гурухлардан ким унга куфр келтирса, унга ваъда қилинган жой жаҳаннамдир». [Худ: 17]

(فَلَيَحْذِرُ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فَتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ)

«Унинг ишига хилоф қиласидиганлар ўзларига фитна етиши ёки аламли азоб етишидан ҳазир бўлсинлар». [Нур: 63]

(وَمَنْ يَعْصِ الَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلُهُ نَارًا حَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُّهِينٌ)

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига исён қилса ва Унинг чегарасидан тажовуз қилса, У Зот уни абадий қолиш учун дўзахга киритадир. Ва унга хорловчи азоб бордир». [Нисо: 14]

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қиласди:

(وَمَنْ يَتَبَدَّلِ الْكُفَّارُ بِالإِيمَانِ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءُ السَّبِيلُ)

«Ким иймонни куфрга алмаштираса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўлади». [Бақара: 108]

Бу маънодаги ояtlар жуда кўп.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоатни Ўзига итоат қилишга тенглаштирди. Ким Ислом диндан бошқа динга итоат қилса, зиён кўрувчилардан бўлишини

ҳамда ундан на тавбасини ва на фарз амалларини қабул қилмаслигини баён қилди. Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامَ دِينًا فَلْنَ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ)

«Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур». [Оли Имрон: 85]

(مَنْ يُطِعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ)

«Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади». [Нисо: 80]

(فَلْنَ أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ إِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْهِ مَا حُمِّلَ وَعَلَيْكُمْ مَا حُمِّلْتُمْ وَإِنْ تُظِيقُوهُ تَهْذِدُوا)

Сиз: «Аллоҳга итоат қилинглар, Пайғамбарга итоат қилинглар. Бас, агар юз ўгириб кетсангиз, у(Пайғамбар)га ўзига юклатилган нарса, сизга ўзингизга юклатилган нарса. Агар унга итоат қилсангиз, ҳидоят топурсиз», – деб айтинг». [Нур: 54]

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қилади:

(إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ فِي نَارٍ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا أُولَئِكَ هُمُ شَرُّ الْبَرِيَّةِ)

«Албатта, аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар жаҳаннам

**ўтидадурлар, у ерда абадий қолурлар. Ундейлар халойиқнинг энг ёмонидирлар».** [Байина: 6]

Имом Муслим ўз саҳиҳида ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ушбу умматдан бирор киши – у яхудий бўладими ё насронийми, мен ҳақимда эшитиб, кейин мен келтирган нарсага (динга) иймон келтирмай ўлса, албатта, дўзах аҳлидан бўлади», – дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўзларининг сўзлари ва амаллари орқали Исломдан ўзга диннинг ботил эканини баёнладилар. Бошқа кофирлар билан урушганлари сингари яхуд ва насоролар билан ҳам урушдилар. Агар улардан бирортаси жизя беришни танласа уларнинг қавмларидан Исломга кирмоқчи бўлганларни тиймасликлари, бошқаларга даъватнинг етиб боришини тўймасликлари ва ким хоҳласа бирортадан қўрқмасдан мусулмон бўлишилиги учун жизяни қабул қиласи.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Биз масжиdda эдик, олдимизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб: «Яхудийлар томон отланинглар!» дедилар. Биз У зот билан бирга чиқиб «Байтул Мидросга»

етиб келганимизда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туриб шундай хитоб қилдилар: «Эй яхудийлар жамоаси! Мусулмон бўлинглар, омонда бўласизлар», дедилар. Улар: «Бўлди, етказдинг, Абул Қосим!» дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Мен шуни истайман. Мусулмон бўлинглар, омонда бўласизлар», дедилар. Улар: «Бўлди, етказдинг, эй Абул Қосим!» дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен шуни истайман» деб, учинчи мартасида уларга...» ҳадиснинг қолгани.

Бу ҳадисдан мақсад: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхудийларнинг «Байул Мидрос»ига бориб Ислом динига чақирдилар ва уларга: «Мусулмон бўлинглар, омонда бўласизлар!», деб бир неча марта такрорладилар.

Шу билан бирга Ҳирақлни Исломга чақириб мактуб юбордилар. Агар Исломдан бош тортса, у сабабли Исломдан бош тортганларнинг гуноҳи юкланишини хабар бердилар.

Имом Бухорий ва имом Муслим саҳиҳларида Ҳирақл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мактубларини олиб келишга буюрди. Уни ўқиди, унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳнинг расули Мұхаммаддан Рум хукмдори Ҳирақлга. Ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин!

Аммо баъд: Мен сени Исломга чақираман. Мусулмон бўл! Омонда бўласан. Мусулулмон бўл, Аллоҳ сенга икки марта ажр беради. Агар юз ўгирсанг арийсийларнинг гуноҳи ҳам сенинг зиммангда бўлади», деб ёзилган эди.

(يَا أَهْلَ الْكِتَبُ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٌ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ إِلَّا اللَّهُ وَلَا شَرِيكَ لَهُ شَيْئًا وَلَا يَنْهَا بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوْلُوا فَقُولُوا أَشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ)

«Сиз: «Эй, аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шеърик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб қилиб олмайлик», деб айтинг. Бас, агар юз ўгирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз», деб айтинглар». [Оли Имрон: 64]

Сўнгра улар Ислом динига киришдан юз ўгириб рад қилганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асхоблари уларга қарши урушдилар ва жизя тўлашни талаб қилдилар.

Улар залолатда экани ва уларнинг динини Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

шариатлари насх қилгач ботил динга айланганини таъкидлаш учун Аллоҳ таоло мусулмонларни ҳар куни ҳар бир намознинг ҳар бир ракатида Сиротул мустақим, яъни, Исломга йўллашини сўрашга буюрди. Шу билан бирга ғазаб қилинганлар, яъни яхудлар ва шулар каби ботил йўлда эканини билиб, унга тармасиб оладиганлар йўлидан узоқлатишини сўрашга буюрди. Шу билан бирга илмсиз ибодат қилиб залолатга кетганлар, залолат йўлида бўла туриб ўзларини тўғри йўлдамиз деб даъво қиласиган насронийлар ва шулар каби жоҳилона ибодат қиласиганлар йўлидан четлатишини сўрашга буюрди. Буларнинг барчаси мусулмон киши Исломдан бошқа барча динлар ботил эканига илмул яқин ҳосил қилиши учун айтилган. Аллоҳга Ислом динидан бошқа дин билан ибодат қилган барчанинг дини ботилдир. Ким манашу ақийдага эътиқод қилмаса, у мусулмонлардан эмас. Китоб ва суннатда бунга далиллар жуда кўп.

Бу мақоланинг эгаси Абдулфаттоҳ холис тавбага шошилиши, тавбасини эълон қиласиган мақола ёзиши вожибдир. Ким Аллоҳга сидқидилдан тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қиласи. Аллоҳ таоло айтади:

(وَثُبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعاً أَيُّهُ الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ)

«Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар». [Нур: 31]

(وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَّا أَخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَرْتُنُونَ وَمَنْ يَفْعُلْ ذَلِكَ يُلْقَ أَثَاماً 68 يُضَانِعَ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدُ فِيهِ مُهَاجِنًا 69 إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلاً صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا)

«Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат куни унинг азоби бир неча баробар кўпайтирилур ва у(азоб) да хор бўлиб абадий қолур. Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли бўлган Зотдир». [Фурқон: 68-70]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари ҳам чин қалбдан тавба қилган инсоннинг тавбаси қабул эканига далолат қиласди: «Ислом ўзидан олдинги гуноҳларни қулатади ва тавба ўзидан олдинги гуноҳларни ўчиради», – деганлар.

Яна айтганларки: «Гуноҳдан тавба қилган инсон, гуноҳи йўқ киши каби».

Бу маънодаги оят ва ҳадислар кўпгина топилади.

Аллоҳ таолодан ҳақни ҳақлигича қўрсатиб унга эргашишни насиб қилишини, ботилни ботиллигича қўрсатиб ундан четлашишимизни насиб қилишини сўраймиз. Бизга, ёзувчи Абдуфаттоҳга ва барча мусулмонларга сидқидилдан тавба қилишга тавфиқ берсин. Барчамизни адаштирувчи фитналардан, ҳавои нафсимиз ва шайтонга итоат қилишдан паноҳ беришини сўрайман. Албатта У Зот бунга қодир ва бу ишнинг бошчисидир.

Набийимиз Муҳаммадга, ахли оилаларига, асҳобларига ҳамда қиёматгача уларга яхшилик билан эргашганларга Аллоҳнинг салавоту саломлари бўлсин.

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

## Маййитларни масжидларга дағн қилиш

Бисмиллах. Аллоҳ таолога ҳамдлар, Расулуллоҳга ва Уларнинг аҳллари ҳамда У зотнинг йўлидан юрганларга салавоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд:

Мен "Хартум" газетасининг 1415 ҳижрий йил, 17-Рабиул ахир ойида нашр қилинган сонини кўриб чиқдим. Унда, шундай маълум қилинган эдики, жаноб Муҳаммад Ҳасан Идрисий ўз отасининг ёнида, Умму Дарман шаҳридаги масжидларида дағн қилинган... ва ҳоказо.

Аллоҳ таоло мусулмонларга насиҳат қилишни, мункарни инкор қилиш ва баёнлаб беришни вожиб қилгани учун масжидларга дағн қилиш мумкин эмаслигини баёнлаш керак деб топтим. Аксинча, бу амал (қабрлар устига масjid қуриш) ширк амалларидан ҳамда Аллоҳ ва расули қоралаган, лаънатлаган амалларданdir.

Саҳиҳайнда Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яхудий ва насронийларга Аллоҳнинг

лаъннати бўлсин! Пайғамбарларининг қабрини масжид қилиб олишди», – деганлар.

Саҳиҳ Муслимда Жундуб ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билиб қўйинглар! Сизлардан олдин ўтганлар анбиёлари ва солиҳларининг қабрларини масжид қилиб олишар эди. Ҳой! Қабрларни масжид қилиб олманглар! Мен сизларни бундан қайтараман!», – дедилар.

Бу маънодаги ҳадислар талайгина топилади.

Ҳамма ердаги мусулмонларга, ҳукуматлару халқларга Аллоҳ таолога тақво, қайтарган ишидан қайтиш ва маййитларни масжид ташқарисига дафн қилиш вожиб бўлади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалари — разияллоҳу анхум — вафот этганларни масжиддан ташқарида дафн қиласар эдилар. Шунингдек, уларга яхшилик билан эргашганлар ҳам шундай қилганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва икки асҳоблари Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анхумоларнинг қабри У зотнинг масжидларида экани вафот этганларни масжидга дафн қилиш учун ҳужжат эмас. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз уйларида — Оиша разияллоҳу анҳонинг хонасида — дафн қилинган эдилар. Кейин икки асҳоблари ҳам у

ерга дафн қилинди. Валид ибн Абдулмалик ҳижратнинг биринчи асри охирида масжидни кенгайтирганда, бу ҳужрани масжидга киритди. Бу ишни уламолар инкор қилганлар, аммо, у киши бу кенгайтиришга тўсқинлик қилмайди, бу масалада тушунмовчилик йўқ деб ҳисоблаган.

Шу билан ҳар бир мусулмонга ойдин бўладики: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари масжидда дафн қилинмаганлар. Уларни масжидга киритиш кенгайтириш сабабли бўлган, бу эса масжидларда дафн қилиш мумкинлигига далил бўла олмайди. Чунки улар масжидда эмас, аксинча, У зотнинг уйларида дафн қилинганлар. Валид ибн Абдулмаликнинг амали эса бу масалада ҳеч ким учун ҳужжат бўла олмайди. Ҳакиқий ҳужжат фақат Қуръон ва суннат ҳамда умматнинг салафи солиҳларининг ижмоъсидир. Аллоҳ у иккисидан рози бўлсин ва бизларни уларга гўзал тарзда эргашганлардан қилсин.

Насиҳат ва зиммадан халос қилиш учун бу 14 / 5 / 1415 ҳижрий йилда ёзилди.

Аллоҳнинг ўзи тавфиқ берувчи. Пайғамбаримиз Муҳаммадга ва У зотнинг

оилалари, асҳоблари ва уларга гўзал тарзда  
эргашганларга салавот ва саломлар бўлсин.

## **Мундарижа**

«Аллоҳдан бошқадан ёрдам сўраган ..... Error!  
**Bookmark not defined.**

.Муқаддима .....	4
Биринчи рисола: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мадад сўрашнинг ҳукми.....	7
Иккинчи рисола .....	24
Жин ва шайтонлардан мадад сўраш ва уларга атаб назр қилиш. ....	24
Учинчи рисола .....	45
Ширкий ва бидъат зикрлар билан ибодат қилишнинг ҳукми.....	45
Бидъатлардан огоҳлантириш .....	71
Биринчи рисола .....	71
Мавлид ва бошқа байрамларни нишонлашнинг ҳукми.....	71
Иккинчи рисола .....	82
Исро ва меърож кечасини нишонлашнинг ҳукми.....	82
Учинчи рисола .....	90
Шаъбоннинг ярмидаги тунни нишонлашнинг ҳукми.....	90
Тўртинчи рисола .....	106
Муҳим огоҳлантириш: .....	106

Мадинаи Мунавварада Масжиди Набавийнинг хизматкори бўлмиш Шайх Аҳмад номидан тўқилган васият ёлғон эканлиги ҳақида.....	106
Қабрларнинг устига масжид куришдан огоҳлантириш.....	124
«Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатидан чиқиш мумкин», деган даъвонинг куфр ва залолат эканини баён қилиш.....	130
Майитларни масжидларга дафн қилиш.....	143



رَسَالَةُ اللَّهِ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

# Ҳарамайн рисоласи

Масжидул Ҳаром ва Масжидун Набавий зиёратчилари  
учун турли тиллардаги йўриқномалар



978-603-8524-12-1